БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 92 (2125). | 9 май, чоршанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛАБА БАЙРАМИ

Бутун совет халқи, шавкатли Қуролли Кучларимиз, бутун прогрессив инсоният Ғалаба кунини катта қувонч ва ифтихор билан байрам қиладилар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ва чет эллардаги миллион-миллион дўстларимиз улуғ айём кунида қаҳрамон Қуролли Кучларимизни Ғалаба байрами билан табриклаб, уларга тинчлик манфаатларини, она-Ватанимиз чегараларининг дахлсизлиги ва осойишталигини қўриқлашда янги муваффақиятлар тилайдилар.

Совет кишилари Ғалаба кунини бу йил халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида янги ижодий муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Партиямиз XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажаришга отланган ижодкор халқимиз саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Совет кишилари етти йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари, винокорлар, шахтерлар бахор байрами — 1 Майни квартал ва ойлик планларини ошириб бажариш билан кутиб олдилар. Қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари она-Ватанга мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш учун белни маҳкам боғлаб, меҳнат қилмоқдалар. Фан ва маданият ходимларининг ижодий муваффақиятлари халқимизни беҳад қувонтирмоқда. Янги илмий кашфиётлар, космосни ўрганишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар — халқимиз ақли-заковатининг ёрқин далилидир.

Совет халқи 1945 йилнинг 9-майини зўр қувонч билан хотирлайди. 9-май совет халқининг, унинг Қуролли Кучларининг оламшумул-тарихий ғалабаларининг шонли йилномасига айланган.

Совет халқи, бутун инсоният иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборган ва Европа, Осиё ва бошқа қитъалардаги халқлар бошига оғир кулфатлар келтирган немис-фашист босқинчиларнинг ёвузликларини ҳам эсларидан чиқарганлари йўқ. Гитлерчи босқинчилар Европадаги бир қанча давлатларни босиб олиб, жаҳонга ҳоким бўлишни хаёл этдилар ва бизнинг она-Ватанимизга ҳиёнаткорона қўққисдан ҳужум этдилар. Улар урушни яшин тезлигида олиб бориб, енгил ғалаба қилишга умид боғлаган эдилар. Лекин уларнинг умидлари пучга чиқди. Улар Совет Иттифоқининг куч-қудратини, улуғ Ленин ташкил этган Коммунистик партия теварагига жипслашган кўп миллатли совет халқларининг монолит бирлиги, енгилмас иродаси, душманга нисбатан қаҳр-ғазаби чексиз эканлигини билмас эдилар.

Коммунистик партиямизнинг раҳбарлиги ва ғамхўрлигини, халқимизнинг доимий ёрдамини сезиб турган шавкатли Қуролли Кучларимиз Қора денгиздан Болтиқ денгизигача чўзилиб кетган фронт марраларида мардонавор жанг қилдилар, гитлерчиларнинг мақталган қўшинларини ерда ҳам, сувда ҳам, кўкда ҳам яксон этдилар.

Қуролли Кучларимиз урушнинг дастлабки йилида мамлакатимиз ичкарисига бир мунча бостириб киришга муваффақ бўлган гитлерчи босқинчиларнинг қонли йўлини тўсдилар, Волга бўйларида, Москва, Ленинград бўсағаларида уларга қарши ҳужумга ўтдилар. Совет баҳодирлари Москва, Волгоград, Курск, Киев, Бобруйск, Минск, Ленинград, Таллин, Львов остоналарида, Днепр, Висла ва Одер соҳилларида, Вена ва Берлинда гитлерчи босқинчиларга қарши қақшатғич зарбалар бердилар ва душман устидан ғолиб келиб ғалабани таъминладилар.

Совет иқтисоди ва давлат тузумининг жуда катта имкониятга, беиҳоя моддий ва маънавий кучларга эга эканлиги гитлерчи қўшинлар устидан қозонилган улуғ ғалабамизнинг қудратли омили бўлди. Мамлакатимиз халқларини жангларда синалган монолит дўстлиги, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларимизнинг мустаҳкам бирдамлиги, совет жангчиларининг юксак маънавий фазилатлари, ватанпарварликлари, қаҳрамонликлари ғалабамизнинг асосий манбаи бўлди.

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчилар устидан қозонган буюк ғалабаси туфайли Европа ва Осиёда фашизм зулми остида эзилиб ётган бир қанча мамлакатлар озодликка эришдилар, социализм йўлига ўтдилар. Жаҳонда Совет Иттифоқи бошчилигидаги қудратли тинчлик лагери, социалистик давлатлар иттифоқи вужудга келди.

Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилиб, ўз номини шон-шуҳрат билан қоплаган қаҳрамон жангчилар сафида қардош халқлар вакиллари билан бирга ўзбек жангчилари ҳам катта шуҳрат қозондилар. Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда катта жасорат ва мардлик кўрсатган бир қанча ўзбек жангчиларига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган ва бир неча минг жангчилар орден ва медаллар билан мукофотланганлар.

Бизнинг Ватанимиз тинчлик Ватани, Қуролли Кучларимиз тинчликнинг қудратли посбонларидир. Улуғ Ватан урушида катта қурбонлар берган совет халқи урушдан кейинги йилларда уруш натижасида зарар кўрган хўжаликни тиклаш, мустаҳкам тинчликнинг барқарор бўлиши учун курашиб келмоқда.

Совет Иттифоқи жаҳонда мустаҳкам тинчлик бўлиши учун, қуролсизланиш ва атом ҳамда шунингдек бошқа қирғин қуролларини тақиқлаш учун курашаётган бир вақтда АҚШ бошчилигидаги империалистик мамлакатларнинг ҳукмронлари ҳарбий блокларга бирлашиб уруш васвасасини авж олдирмоқдалар. Америка Қўшма Штатлари жаҳон афғор оммасининг норозилигига қарамай Рождество оролида атом қуролларини синовдан ўтказмоқда.

Совет Иттифоқи империалистларнинг тинчлик ишига раҳна солиб, қуролсизланиш тўғрисидаги амалий тадбирларнинг рўёбга чиқишига турли йўллар билан қаршилик қилиб келаётганликларига бефарқ қарай олмайди. Партия ва ҳукуматимиз тинчлик сиёсатини амалга оширгани ҳолда, мамлакатимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг қудратини янада ошириш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар. Эндиликда армия ва флотимиз кучли ва ҳар қандай олис нишонга бориб тегадиган қудратли ракеталар, ҳозирги замоннинг жанговар қуроллари билан таъминланган. Халқимиз ўз фарзандларига — чегаларимизнинг қудратли посбонларига биринчи даражали хилмахил жанговар қуролларни етказиб бермоқда.

Она-Ватанимизнинг осойишталигини, халқимизнинг саодатли ҳаётини қўриқлаб келаётган, партия ва ҳукуматимизнинг доимий эътибори ва раҳбарлиги остида ўзининг жанговар қобилиятини доимо ошириб келаётган шавкатли Қуролли Кучларимиз ҳозирги вақтда ҳарқачонгидан ҳам қудратлидир. Ҳар қандай агрессор агар она-Ватанимизга ҳамла қиладиган бўлса, у қаҳрамон Қуролли Кучларимизнинг қақшатғич зарбаларига дучор бўлади.

Яшасин қудратли Совет Қуролли Кучлари — тинч ҳаётимиз посбонлари!

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Сирдарё районидаги Максим Горький номли колхоз пиллачилари баҳорги пилла қурти боқишни намунали йўлга қўйиб, барг етказиб бериш соҳасидаги қийинчиликларни матонат билан енгиб, ажойиб ғалабага эришдилар. Улар областда биринчи бўлиб давлатга пилла сотиш планини бажардилар. Ҳозирги кунга қадар мамлакатга 4162 килограмм пилла етказиб берилди. 70 кути қурт уруғининг ҳар қутисидан ўртача 59,4 килограммдан пилла топширилиб, ҳосилдорлик плани ошириб бажарилди.

Пилла қурти боқишни намунали ташкил этиб мўл ҳосил етиштиришда колхозчиларнинг М. Шертоева, М. Бекназарова М. Мирзаева, К. Тоирова ўртоқлар бошлиқ звеноларни, айниқса, яхши кўрсаткичларга эришдилар.

— Колхозимиз пиллачилари,— дейди пиллачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ М. Зайниддинов,— эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлайдилар. Биз 5 тонна пилла топширишни юзасидан олган мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажариш учун курашамиз.

УЛАРНИНГ НОМИ ВА ИШИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

МОСКВАДА КАРЛ МАРКС ВА ФРИДРИХ ЭНГЕЛЬС МУЗЕЙИНИ ОЧИШ МАРОСИМИ

7 майда жуда катта аҳамиятли воқеа бўлиб ўтди. Шу кун Москвада Карл Маркс ва Фридрих Энгельс музейининг эшиклари биринчи марта очилди. Инсониятнинг энг улуғ доҳилари бўлган К. Маркс ва Ф. Энгельс номи бирбири билан чамбарчас боғланган ва В. И. Ленининг сўзи билан айтганда, уларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабатлари «инсоний дўстлик тўғрисида энг таъсирли қадимий афсоналарда айтилган воқеалардан ҳам афзалроқ дир».

В. И. Ленин ҳаёт вақтидаёқ унинг бевосита кўрсатмаси билан Коммунистик партия халқаро пролетариатнинг улуғ устозларидан қолган ҳужжатларнинг асл нусхаларини ва копияларини тўплашга киришди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг Марказий партия архивида ҳозирги вақтда К. Маркс ва Ф. Энгельсдан қолган олти мингтадан кўпроқ ҳужжатнинг асл нусхалари сақланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан, мана шу музей очилганлиги натижасида эндиликда мазкур бебаҳо маънавий бойликнинг копияларидан жуда кенг омма баҳраманд бўлади.

Кремль яқинидаги Маркс ва Энгельс номли кўчада илгаритдан қолган яхши иморат бор. Музей шу иморатга жойлашган. Унинг ичи музейни очиш тантаналарига келган москваликлар билан лиқ тўлди. Булар орасида — Россиядаги революцион ҳаракат ветеранлари Н. А. Алексеев, В. А. Радус—Зенькович, С. И. Гопнер, М. И. Губельман ҳамда бошқа кекса коммунистлар, тарихчи олимлар, пойтахтнинг партия ва совет ходимлари, музей жойлашган бинони реконструкция қилишда қатнашган бинокорлар бор. Ленинчи «Правда»нинг 50 йиллиги байрамида қатнашган чет эл меҳмонларининг кўплари ҳам бу ерга келишди. Музейни очиш маросимида О. В. Куусинен, М. А. Суслов, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори академик П. Н. Поспелов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан К. Маркс ва Ф. Энгельс музейини очади.

Биз, деди у, Карл Маркс туғилган кунининг 144 йиллигини шу музейни очиш билан нишонламоқдамиз. Маркс ва Энгельс таълимотининг улуғ ҳаққоний таълимот эканлигини тарихий тараққиётнинг бутун бориши яққол исботлаб берди. Бу таълимотни В. И. Ленин ҳар томонлама ва ижодий ривожлантирди. Жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг халқлари ҳозирги даврда тинчлик, демократия, социал тараққиёт учун, социализм ва коммунизм учун курашда қўлга киритилган жаҳоншумул-тарихий муваффақиятларни Маркс, Энгельс ва Ленининг номлари билан боғламоқдаларки, бунинг учун уларда тўла асос бор.

П. Н. Поспелов қардош партия, лар ининг Марказий Комитетлари ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтларига ва тарих институтларига бу музейни ташкил этишда кўрсатган қимматли ёрдамлари учун чуқур миннатдорчилик билдиради.

Музей очилди. Музейга кирган биринчи кишилар ундаги экспозициялар билан таниша бошлайдилар. Революцион фан устозларининг ижодий лабораториясини очиб кўрсатадиган қўл ёзмаларнинг жуда кўп нусхалари ва фотографиялари, улар ёзган асарларнинг ўзлари ҳаёт вақтда ва шу вақтгача босилган нашрлари, Карл Маркс ва Фридрих Энгельс илмий коммунизмнинг доҳий ижодкорлари ва халқаро революцион ҳаракатнинг раҳбарлари эканликларини кўрсатувчи материаллар музейнинг тўққизта кенг залига жойлаштирилган. Бу залларда инсоният доҳиларининг сиймоларини гавдалантирувчи қадимий гравюралар, нодир фотосуратлар, расмлар ва ҳайкалтарошларнинг асарлари кўп. Карл Маркс ва оила аъзоларининг шахсий буюмлари тарихда биринчи бўлиб шу музейда кўргазмага қўйилган.

Биринчи залга кира беришда Марксниг такрорланмас образи кўзга ташланади. Бу катта ҳайкалга қараганингизда, жуда кўп фотографиялардан ҳаммага таниш бўлган зотнинг қиёфаси намоён бўлади. Бу инглиз ҳайкалтароши Бредшоунинг Карл Марксниг бронзадан қуйилиб ясалган ҳайкали учун асос қилиб олинган гипс моделнинг ўзидир. Бу ҳайкал 1956 йил 14 мартда К. Марксниг Лондондаги Хайгет қабристонидаги қабри устига ўрнатилган эди. Бу ёдгорлик бутун дунё коммунистлари тўплаган пулга яратилган эди.

Мана биз биринчи залга кирдик. Инсоният машъалининг, халқ бахт-саодати учун курашчиларнинг улуғлиги ва азамат шижоати кўз олдимизда намоён бўлиб, бизни дарҳол эўр ҳурмат ҳислари қоплайди.

Маркс ва Энгельснинг болалик ва ўспиринлик йиллари. Трирда ва Барменда улар туғилган уйларнинг макетлари. Уларнинг туғилиши тўғрисидаги шаҳодатномалар, мактабда ёзган иншолари, уларнинг дипломлари, Маркс ва Энгельснинг характерларини ва сиёсий қарашларини шакллантиришга катта таъсир ўтказган китоблар витриналарда турибди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ГАЗЕТАЛАРИНИНГ РЕДАКТОРЛАРИ БИЛАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ЎРТОҚЛАРЧА УЧРАШУВ

Коммунистик, ишчи ва демократик миллий партиялар газеталарининг «Правда» 50 йиллиги байрамига келган редакторлари билан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва секретарлари 7 майда учрашдилар.

Учрашувда Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, А. Н. Шелепин ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев учрашувда тўпланганларга самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилди. Н. С. Хрушчев ўз нутқида қардош партияларга ва уларнинг органлари бўлган газеталарга марксизм-ленинизм идеяларини пропаганда қилиш, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курш ишида, мана шу олижаноб ишда янги муваффақиятлар тилади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз нутқининг охирида газеталарнинг редакторларидан ўз партияларининг раҳбар арбобларига КПСС Марказий Комитетининг қардошлик саломини ва энг яхши истакларини етказишни илтимос қилди.

КПСС раҳбарларининг газеталарнинг редакторлари билан учрашуви самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ГДР МЕҲНАТКАШЛАРИГА ҚАРДОШЛИК ТАБРИКЛАРИ

Германия гитлерчилар фашизмидан озод қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар Германия Демократик Республикасининг раҳбарлари В. Ульбрихт, О. Гротеволь, И. Дикман, Э. Корренс ўртоқларга табрикнома юбордилар.

Табрикномада айтиладики, Германия Демократик Республикаси ишчилар синфи, деҳқонлари ва зиёлиларининг социализм қуриш учун олиб бораётган фидокорона ва қийин қураши ҳозир коммунистик қурилишни авж олдириш программасини амалга ошираётган совет халқига яқин ва тушунарлидир. Совет халқи, дейилади табрикномада, Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг Европада тинчлик ва хавфсизлик учун, Ғарбий Германия милитаристлари ва реваншчиларининг агрессив планларига қарши, Германия сулҳ шартномаси учун ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш учун олиб бораётган курашини юксак даражада қадрлайди.

Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев хурсандлик билан шуни қайд қиладиларки, СССР ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасида самимий қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари вужудга келди ва мустаҳкамланмоқда. Совет Иттифоқи халқлари, дейилади табрикномада, пролетар интернационализми принципларига, янги жамият қуриш манфаатларининг бирлигига ва идеяларнинг умумийлигига асосланган бу бузилмас дўстликни қадрлайдилар. (ТАСС).

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

МОСКВА, 8 май. (ТАСС). Бугун эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида темир йўл транспорти ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳукумат ложаларига кириб келганларида, уларни делегатлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Президиуми кенгашнинг фахрий президиумига сайланди.

«Темир йўл транспортининг ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» йўллар министри ўртоқ Б. П. Бешчев доклад қилди.

УНИНГ МУЗИКАСИ ЖАҲОН АҲЛИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА

П. И. Чайковский номли иккинчи халқаро конкурс ёпилди

МОСКВА, 7 май. (ТАСС). Музикачиларнинг П. И. Чайковский номли иккинчи халқаро конкурси 7 майда, ажойиб рус композитори туғилган кунининг 122 йиллигида ёпилганлигида аллақандай хосият бор. Чайковскийнинг инсоний, дил, рабо музикаси абадий яшай ва жаранглай беради, деган фикр жаҳондаги ёш музикачиларнинг ана шу катта, мураккаб мусобақаси ўтказилган беш ҳафтанинг ҳар бир кунида янги-янги қувонч бахш этди.

Мана сўнгги оқшом ҳам етиб келди. Бугун конкурс тамом бўлмоқда... Консерватория катта залининг гулларга бурканган саҳнасидан конкурс лауреатлари ва дипломантлари жой оладилар. Улар бутун зал билан биргаликда жюри аъзоларини — жаҳоннинг энг машҳур музикачиларини, ҳурматли меҳмонларни, ташкилот комитети аъзоларини табриклайдилар.

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, Н. С. Хрушчев ўртоқлар ложага чиққанларида, ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммаси уларни қарсаклар билан кутиб олади.

СССР Маданият министри Е. А. Фурцева П. И. Чайковский номли иккинчи халқаро конкурснинг ёпилишига бағишланган тантанали мажлисни очади. У, ташкилот комитети раиси Д. Д. Шостаковичга сўз беради.

П. И. Чайковский номли конкурс, дейди Д. Д. Шостакович, улуғ рус композиторининг асарлари кишилар учун ҳамиша шодлик ва илҳом манбаи бўлажагини кўрсатди. Бизнинг мамлакатимизда Чайковский асарлари халқ мулки бўлиб қолди. Мана шу музика мусобақаси эндиликда традицион тус олганлиги ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Д. Д. Шостакович билан Т. Н. Хренников конкурс қатнашчиларига фахрий мукофотларни тантанали суратда топшира бошлайдилар. Виолончелчилар, скрипкачилар ва пианиночилардан 40 киши медаль ва дипломлар олади.

Залда ҳозир бўлган кишилар мана шу бир ой мобайнида ўзлари яхши таниб олган ва севиб қолган ёш музикачилар шарафига қарсаклар чаладилар. Лауреатларни ёш скрипкачилар — пойтахт музика мактабларининг ўқувчилари Чайковскийнинг «Гуллар вальси»ни чалиб, табриклайдилар.

Жюри аъзолари, конкурс лауреатлари сўзга чиқадилар. Улар ёш талантлар билан танишиш натижасида ижодий завқ олганликлари ҳақида гапирадилар.

Виолончелчилар конкурсининг лауреати Лесля Парнас (АҚШ) москваликларга дўстлик сўзлари билан мурожаат қилади. У русча гапиради ва зал унинг шарафига қизғин қарсаклар чалади. Конкурсда қатнашган совет музикачилари номидан олтин медалли виолончелчи Наталия Шаховская гапирди. Зал Н. Шаховскаянинг сўзларини қизғин қарсаклар билан кутиб олади.

— Биз, — дейди тантанали мажлисни ёпа туриб Е. А. Фурцева, — конкурснинг ажойиб ижрочилари ва қатнашчилари билан ҳали яна кўп марта учрашамиз, бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамламоқ учун ҳамма чораларни кўрамиз, деб ишонч билдиришимга рухсат бергайсиз.

* * *

Тантанали мажлисдан кейин конкурс лауреатларининг концерти бўлди.

Халқлар дўстлигининг ленинча идеялари — миллионларнинг байроғи*)

Тошкентда олий ўқув юртлараро Бутуниттифоқ илмий конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

Юридик фанлар доктори, Тожикистон университетининг профессори **С. А. Ражабов** айтдики, Совет Шарқи республикалари феодализмдан капиталистик ривожланиш босқичини четлаб ўтиб, бевосита социализмга ўтишнинг ажойиб намунаси бўлмоқдалар. В. И. Ленин, ўтмишда қолоқ бўлиб келган халқлар илғор миллатнинг ғалаба қилган пролетариати қардошларча ёрдам бериб турган шароитда ўз тараққиётларида капитализмдан ҳатлаб ўтишлари мумкин. Шарқ халқлари социалистик ҳаракатнинг умумий йўлига тушиб олиб, ўз хусусиятларини умумий ишга қўшадилар деб кўп марталаб уқтириб ўтган эди. Бу халқлар умумий қонуниятлар белгилаб берган йўлдан бориб, асосий йўналишдан четга бурилмай, миллий социалистик давлатни вужудга келтиришга ўзига хос шундай янгиликлар қўшмоқдаларки, бу янгиликлар умумий ишда муқаррар намоён бўлмоқда, СССРда социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасининг хазинасини тўлдирмоқда ва бойитмоқда.

Тожикистон Совет ҳокимияти ўрнатилмасдан илгари қолоқ бир мамлакат эди. Эндиликда Тожикистонда ҳар ўн минг кишига 14 мактаб ва қарийб 1800 ўқувчи тўғри келади, ҳолбуки Эронда ҳар ўн минг кишига 3,02 мактаб ва 419 ўқувчи тўғри келади.

Совет Шарқи республикаларида Совет ҳокимияти йилларида вужудга келган қўламли жиҳатидан жуда катта бўлган чуқур революцион социал-иқтисодий ўзгаришлар катта халқаро аҳамиятга ҳам эгадир. Совет ҳокимияти ўрнатилмасдан олдин Ўрта Осиё республикалари мустамлака зулми, социал ва миллий зулм остида қолган мамлакатлар эди, Осиё ва Африкадаги чет мамлакатларининг кўпгина халқлари шундай зулм азобини тортиб келдилар ва ҳозир ҳам тортмоқдалар. Шу республикаларнинг иқтисоди ривожланиш даражаси жуда ҳам паст эди. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг Совет Социалистик Республикалари Шарқнинг маълум халқлари учун ибратли яққол намуна бўлмоқда, уларга эксплуатация ва зулмдан озод бўлган, ўзининг мустақил миллий давлатига эга бўлиб қолган халқлар нималарга эриша олиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халоскорлик идеяларини ёйишга ёрдам бермоқда.

Иттифоқчи миллий республикаларни вужудга келтириш ва ривожлантириш тарихи шуни кўрсатиб турибдики, ягона Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида бирлашган қардош халқларнинг улуғ ҳамдўслиги уларнинг суверенитетини муттасил мустаҳкамламоқда, уларнинг экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама ва оғишмай ривожлантиришни таъминламоқда.

Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли Ўрта Осиё, унинг республикалари мамлакатнинг яхлит иқтисоди организмида чор Россияси вақтида бўлганидек, ёт бир қисм бўлиб қолмасдан, балки қудратли халқ хўжалик комплексининг мустақил, ажралмас, тўла ҳуқуқли элементи бўлиб қолдилар.

Ўрта Осиё республикаларининг муваффақиятлари бу республикаларнинг экономикаси ва маданиятида вужудга келган жуда катта ўзгаришлар нокапиталистик ривожланишнинг порлоқ тажрибасидир, бу тажрибадан озодлик кураши йўлига тушиб олган халқлар фойдаланишга интилмоқдалар.

Киев университетининг профессори **А. А. Бородин** ўз нутқини «Совет Украинасининг СССР составида равнак топганлиги — ленинча миллий сиёсатнинг тантанасидир» деган темага бағишлади. КПСС XXII съезднинг тарихий қарорларидан руҳланган украин халқи, деди у, Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари билан биргаликда коммунистик қурилишнинг жонажон партиямиз Программасида белгилаб берилган улуғвор планларини амалга ошириш йўлида жуда зўр ғайрат ва иштиёқ билан меҳнат қилмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

* Боши «Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 8 май сонида босилган.

СССР Мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1962 йил, 9 май № 106 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!
Улуғ Ватан урушида қатнашган ўртоқлар!

Бугун Совет Иттифоқи халқлари, Совет Армиясининг ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалаба кунининг ўн етти йиллигини нишонлайдилар.

Улуғ Ватан уруши бизнинг Ватанимиз учун энг қийин ва машаққатли синов бўлди, социалистик иқтисоди ва давлат тузумининг қудратини ва яшаш қобилиятини ҳар томонлама текширишдан ўтказди.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари узоқ давом қилган шиддатли курашда гитлерчи босқинчиларни батамом тор-мор келтирдилар, жаҳоншумул-тарихий ғалаба қозондилар.

Ўз Ватанининг озодлигини ва мустақиллигини сақлаб қолган, инсониятни фашистларга қул бўлиш хавфидан халос қилган совет кишиларининг ўлмас шижоатини бутун дунё меҳнаткашлари ўз хотираларида абадий сақлайдилар. Ҳозирги халқаро вазият шароитида жаҳон халқлари агрессорларнинг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар ва Ғарбий Германияда тикланиб олган фашизмга ва милитаризмга қарши актив курашмоқдалар.

Совет Қуролли Кучларининг шахсий составини, Улуғ Ватан урушининг ҳамма қатнашчиларини гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалаба кунининг ўн етти йиллиги билан табриклайман ва қутлайман! Армия ва флотнинг шонли жанговар традицияларини бутун чоралар билан асраш ва кўпайтириш, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди томонидан Қуролли Кучлар олдига қўйилган катта ва фахрли вазифаларни сабот билан бажариш — совет жангчиларининг муқаддас бурчидир.

Ғалаба байрамини нишонлаб, **буюраман:**

Бугун, 9 майда, Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарлар: Ленинград, Волгоград, Севастополь ва Одессада тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб, салют берилсин.

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин коммунизм қурувчи қаҳрамон совет халқи!

Яшасин ғалабалар шуҳрати билан қопланган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

Халқимизни коммунизм ғалабаси сари дадил олға олиб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

ҚИШЛОҚҚА БОРАМИЗ!

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

Яқинда область партия комитети мутахассислиги бўйича ишламаётган 400 га яқин кадрларни тўплади. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Веселов ва область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Руцкий ўртоқлар ёнгиллганлар билан суҳбатлашдилар, уларга КПСС Марказий Комитети март Пленуми олға сурган муҳим вазифалар ҳақида гапириб бердилар. Партия Марказий Комитети ўз касби бўйича ишламаётган қишлоқ хўжалиги мутахассисларини коммунистик мўл-кўлчилик учун курашнинг ҳал қилувчи фронти бўлган колхоз ва совхозларга, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларига бориб ишлашга чақираётганлигини алоҳида уқтирдилар. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қароридан кейин, деди ўртоқ Абдураззоқов, областимизнинг кўпгина кадрлари колхоз ва совхозларга бориб ишлашга ҳоҳиш билдиришди. Сизлар эса ўз мутахассислигингиздан узоқлашиб бошқа вазифаларда ишлаб келаяпсизлар. Бундай фактлар билан муроса қилиб бўлмайди. Чунки бунга ҳаётнинг ўзи ҳам йўл қўймайди. Коммунистик мўл-кўлчиликка эришиш йўлида хизмат қилишни истаган ҳар бир киши шу кеча-кундузда колхоз ва совхозларга жўнаб кетаяпти. Сизлар ҳам ана шуларнинг сафида бўлсаларинг ёмон бўлмас эди.

Бу гаплар йиғилганларнинг кўпчилигига таъсир қилди.

— Асли касбим зоотехник, — деди Янгиер район статистика бошқармасининг старший инспектори ўртоқ М. Мустафоев сўзга чиқиб. — 1948 йилдан 1958 йилгача шу касбда ишлаб келдим. Бир куни менга район статистика бошқармасига инспектор бўлиб ўтишни тавсия этишди. Мен, очғини айтганда ишнинг осонлигини ўйлаб розн бўлдим. Партиямиз Марказий Комитети март Пленуми материалларини ўқиб ўрним қишлоқда экан, деган қарорга келдим.

Давлатимиз мени ўқитди, мутахассис деган шарафли ном берди. Эндиликда эса, мутахассис — зоотехник деган улуғ номга оз бўлса ҳам доғ туширибман. Бунга кўпдан-кўп афсусланяпман. Ҳозир ҳам кеч эмас, мен ўз изимга тушиб оламан, партиямизнинг «Қишлоққа»! деган чақириғига« ҳўп бўлади, қишлоққа бораман» деб жавоб бераман.

Тошкент асбобсозлик заводи инженер-механиги А. И. Василенко, Сирдарё район матлубот жамиятининг савдо ходими А. М. Мартинова, Фарҳод ГЭСи қоровуллари бошлиғи Т. Охунжонов, Бекобод шаҳридаги темир-бетон буюмлари заводи мастери, инженер механизатор Д. Умаралиев, Тошкент шаҳар кооперативторгининг секция бошлиғи Г. А. Гречухов ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб ўз мутахассисликлари бўйича ишламаётганликларига афсусланишди. КПСС Марказий Комитетининг колхозчиларга, совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, олимларга, саноат ходимларига, коммунистлар ва комсомолларга, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига Мурожаатнига амалий иш билан жавоб берамиз, бундан сўнг ўз ўрнимизни қишлоқда эканлигини ҳеч қачон унутмаймиз, халқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хисса қўшамиз, энди бизни қишлоққа юборишингизни илтимос қиламиз! Юқорида номи қайд этилганларнинг ҳаммаси ана шу мазмунда гапиришди.

Ҳа, Никита Сергеевич Хрушчевнинг «Қишлоқ хўжалигига ва, аввало, ишлаб чиқариш соҳаларига — совхоз, колхозларга бориб ишлаш ҳар бир коммунист учун юксак шарафдир» деган оташин сўзлари бу азаматларнинг юрагидан чуқур жой олган эди. Шу сабабли ҳам улар қишлоққа бориб ишлашга тайёр эканликларини билдиришди. Область партия комитети уларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

---

* Боши «Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 8 май сонида босилган.

УЛАРНИНГ НОМИ ВА ИШИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Қадимий гравюралар ўттизинчи-қирқинчи йилларда Европада ишчилар ҳаракати қанчалик кенгайганлигини акс эттиради. Маркс билан Энгельснинг биринчи учрашуви ва уларнинг улуғ ҳамдўстлиги бошланганлиги тўғрисидаги материаллар қўйилган залга кирамиз. Мана Маркс билан Энгельснинг биргаликда ёзган асари — «Муқаддас оила» китоби (1845 йил). Бу китобнинг ёнида Энгельснинг «Англиядаги ишчилар синфининг аҳволи» деган асари турибди. Ленин бу китобга капитализм ва буржуазия тўғрисидаги даҳшатли айбнома деб баҳо берган эди.

Марксниг ёзув дафтарчасидаги бир варақка кўзимиз тушади. Бу варақда Марксниг қўли билан ёзилган «Фейербах тўғрисидаги тезислар»да келтирилган машҳур сўзлар бор: «Философлар оламни турлича **изоҳлаб келдилар**, холос, лекин гап уни **ўзгартишдадир**».

Бундан кейинги залда бир ишчининг бўртма сурати эътиборни ўзига тортади. Бу суратда ишчи ер куррасини ўраб олган занжирни парчалаётганлиги тасвирланган. Стендлардан биридаги экспозицияда Маркс ва Энгельснинг пролетар партиясини тузиш учун олиб борган кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Коммунистлар союзини ташкил этиш тарихи, унинг программаси — Коммунистик манифест қандай ёзилганлиги кўрсатилади. Мана Манифестнинг биринчи нашри, бу китобчани Марксниг қизи Элеонора Плехановга тақдим қилганлигин ўз қўли билан ёзиб қўйган. Машҳур рус олими революционер Н. И. Кибальчичнинг уйида ўтказилган тинтув вақтида топилган Манифестнинг русчага таржима қилинган нусхаси ҳам шу ерга қўйилган. Манифестни якунловчи сўзлар: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган сўзлар жаҳондаги 46 тилга таржима қилиниб, зал деворларига ёзиб қўйилган.

Француз, венгер, немис, чех байроқлари... Ўтган асрнинг ўрталаридаги миллатлар. Мана шуларнинг ҳаммаси 1848—1849 йиллардаги революцияни эслатади. «Янги Рейн газетаси»нинг бир неча сони ҳам кўргазмага қўйилган.

1848 йил революцияси бостирилганидан кейин бошланган реакция даврида ва янги революцион кўтарилиш кунларида К. Маркс ва Ф. Энгельс фаолиятини кўрсатувчи ҳужжатлар билан танишамиз.

... Тўрт томонига китоблар билан лиқ тўлган жавонлар қўйилган залга кирамиз. Бу китоблар жаҳондаги ўнлаб халқларнинг тилида нашр этилган. Ҳар бир томда «Капитал» деган сўзга кўзимиз тушади. Биз бу залда мана шу доҳиёна асарнинг ёзилиш тарихи ва аҳамиятини билиб оламиз. Маркс ўз умрининг 40 йилини шу асарга бағишлаган. «Капитал»нинг 1867 йилда Гамбургда босилиб чиққан биринчи томининг асл нусхасига кўзимиз тушади. Марксниг ўзи шу асарга берган баҳони ўқийміз. Маркс биринчи қўл ёзмасини матбаага топширгандан кейин, ўз хатларидан бирида бундай деб ёзган эди: «Бу шу вақтгача буржуаларга (шу жумладан ер эгаларининг ҳам бошига) отилган снарядларнинг, ҳеч шубҳасиз, энг даҳшатлисидир». «Капитал» биринчи томининг рус тилига биринчи марта таржима қилинган ва бундан 90 йил муқаддам Петербургда босилиб чиққан нусхаси ҳам кўргазмага қўйилган. Шу нарса диққатга сазовордирки, бу ўлмас асар умуман биринчи бўлиб чет тилларидан бўлган рус тилига таржима қилинган эди. Мана «Капитал»нинг немис тилида биринчи нашр этилган иккинчи ва учинчи томлари. Марксниг вафотидан кейин бу томларни Фридрих Энгельс нашрга тайёрлаган эди. Энгельснинг бу ишга қўшган жуда катта ҳиссасини таъкидлаб, Ленин бундай деб ёзган эди:

«...Энгельс ўзининг доҳиёна дўстига шундай улуғвор ёдгорлик қурдики, бу ёдгорликка ўзининг номини ўчмас белгилар билан беихтиёр ўйиб ёзди».

Янги заллар — пролетариат дохиларининг жўшкин фаолиятини кўрсатувчи янги саҳифалардир. 1864 йил. Лондонда ишчиларнинг халқаро ширкати — биринчи интернационал вужудга келади. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс унинг йўлбошчилари. «Маркс бу жамиятнинг жони-тани бўлди, унинг биринчи «мурожаатини» ва жуда кўп резолюцияларини, баёнотларини, манифестларини ёзиб берди».—деб ёзган эди Ленин. Рассом О. Верейский қўли билан чизилган суратда Лондондаги митинг кўрсатилган. Бу митинг ишчиларнинг халқаро ширкатини тузишга негиз солган эди.

...1871 йилнинг баҳори. Париж пролетариати ҳокимиятни ўз қўлига олди. Марксниг «Франциядаги граждан уруши» деган асарининг биринчи нашри. Маркс ва Энгельснинг Париж Коммунаси эпопеясига бағишланган ҳужжатлар. Париж пролетариати қаҳрамонона курашининг эпизодларини акс эттирувчи гравюралар билан шу залда танишиш мумкин. Рассом И. Пиккноннинг 1873 йилда чизган катта сурати кўзга ташланади. «Коммунарларни отиш» деб ном берилган бу суратдаги кучли драматизм, шунингдек француз коммунистларни совға қилиб юборган ва 67-батальон коммунарлари жангларда ўз қўлидан қўймаган қизил байроқнинг асл нусхаси кишини бениҳоя ҳаяжонлантиради. Қамал ичида қолган Парижда ўша вақтда нашр этилган газеталар ва варақалар, Коммуна вақтидаги медаллар ва танга-чақалар витриналарга қўйилган.

Бундан кейинги зал К. Маркс, Ф. Энгельс ва Россия деган темага бағишланган. Жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчилари Ватанимиз тарихига, унинг сиёсий ҳаётига, ижтимоий ҳаракатларига, айниқса ислоҳотдан кейинги даврдаги Россиянинг ҳаётига жуда зўр қизиқиш билан қараган эдилар. Ленин, улар рус революциясига ва унинг қудратли жаҳоншумул аҳамиятига жуда зўр ишонч билан қараган эдилар, деб ёзган эди. Шу залдаги шкафда рус тилида нашр этилган жуда кўп эски китоблар турибди. Булар орасида Марксниг ёзув дафтарчаси, унда русча китобларнинг рўйхати ёзилган варақлар ҳам қўйилган. Бу рўйхатнинг сарлавҳасига Марксниг ўзи «Менинг китоб жавонимдаги русча китоблар» деб ёзиб қўйган. Маркс ўзи учун характерли майда хат билан икки юзга яқин номдаги русча китоблар рўйхатини ёзиб қўйган. Бироқ, бу рўйхат Маркс ўқиб чиққан русча китобларнинг ҳаммасини тўла равишда ўз ичига олган эмас. Маркс ҳам, Энгельс ҳам рус тилини жуда яхши билар эдилар.

Илмий коммунизм асосчиларининг хотираси билан боғланган нарсаларнинг ҳаммаси биз учун бениҳоя қадрли. Музейга келган кишилар Маркс ва унинг оиласи фойдаланган ва музейга қўйилган нарсаларни нақадар зўр ҳаяжон билан кўздан кечираётганликлари тўғрисида гапириб ўтириш керакмикан. Шу нарсаларнинг баъзиларини Марксниг набиралари ва чет эллардаги коммунистлар ўз вақтида бизнинг Ватанимизга юборган эдилар. Булардан баъзиларини айтиб ўтамиз:

Секретер, чой идишлари сервизи, филофга солинган мундштук ва Марксниг кармони. Марксниг котини ва дўсти Женниниг чиройлик сурати. Мана оддий кресло ҳам шу залда турибди. Маркс ўзининг «Капитал» асарини ёзаётганида шу креслода ўтириб ишлаган эди. Мана яна бир кресло. Бу юмшоқ креслониг суянчиги баланд. Маркс 1883 йил 14 мартда шу креслода ўтирганида абадий кўз юмган эди...

Витринада олтин медальон турибди. Бу медальонни Марксниг қизларидан бири тақиб юрган бўлса керак. Медальонда Марксниг портрети ва унинг оқ сочларидан бир тутами солиб қўйилган.

Музейда санъатнинг нодир асарлари кўргазмага қўйилган. Булар орасида РСДРП Москва комитетининг топшириғи билан 1905 йилда А. Голубкина томонидан Карл Марксниг бронзадан ясалган ҳайкал портрети бор. Бу — Марксниг Россияда ясалган биринчи ҳайкалидир. Маркс ёдгорлигининг 1920 йилда ҳайкалтарош С. Алёшин томонидан ясалган модели ҳам диққатга сазовордир. Марксниг 1918 йилда Репиниг шогирди рассом Н. Фешин томонидан чизилган портрети диққатни ўзига жалб қилади.

Яна бир хонага кирамиз. Бу хона китоблар билан лиқ тўлган. Булар Маркс ва Энгельснинг жаҳоннинг турли тилларида нашр этилган асарлари. Совет Иттифоқида бу асарлар 1917 йилдан 1961 йилга қадар ҳаммаси бўлиб 75 миллион 161 минг нусхада нашр этилди.

Ўтган Октябрь мамлакати бизнинг плацетамизда Маркс ва Энгельс идеяларини амалга оширган биринчи мамлакат бўлди. Улар ўзларининг бутун умрларини бағишлаган ишни Ленин давом эттирди ва янада ривожлантирди. Ҳозир совет халқи коммунистик жамият қуриш вазифасини амалий равишда кун тартибига қўйди. Партия XXII съездида қабул қилинган КПССнинг янги Программаси бутун инсониятга бу порлоқ жамиятга борадиган йўлни ёритиб турибди. Музейнинг якунловчи кенг залидаги экспозиция эса, марксизм-ленинизм идеяларининг тантанасига бағишланган.

Ватанимиз пойтахтида Карл Маркс ва Фридрих Энгельс музейи ташкил этилганлиги совет халқининг илмий коммунизм ижодкорларини бениҳоя ҳурмат қилаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир. Уларнинг таълимоти бизнинг олға боришимизга мададкор бўлиб турибди. Буни ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг музей залларига кира беришда ёзиб қўйилган қуйидаги сўзлари ҳам эслатади:

«Биз келажакка мўлжалланган стратегиямизни ва тактикамизни ишлаб чиқаётганимизда, Маркс, Энгельс ва Ленин билан яна маслаҳатлашмоқдамиз.

Марксизм-ленинизмга садоқат— бундан буёнги ҳамма ғалабаларимизнинг гаровидир».

В. КНЯЗЕВ,
Г. МАРУТОВ.
(ТАСС мухбирлари).

ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН

Калинин районидаги 7- гишт заводлари бошқармасининг коллективи етти йиллик тўртинчи йилининг дастлабки ойларидан бошлабоқ меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Шу йилнинг тўрт ойлик плани муддатидан илгари бажарилди, топшириқдагидан ташқари бир неча юз минг дона гишт ишлаб чиқарилди.

Коллектив бу муваффақиятни бригадалар, цехлар, сменалараро мусобақани авж олдириш, меҳнат интизомини яхшилаш, иш вақтидан ва техникадан унумли фойдаланиш туфайли қўлга киритди. Корхонанинг ўнлаб ишчилари нормани 115-120 процентдан ado этишаяпти. Т. Тошматов, А. Штейн, Г. Гайнулина, Е. Френц каби ўртоқлар шулар жумласидандир.

А. ЭШМАТОВ.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРИ

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИГА

☆ ☆

Ёрдамни аямаймиз

Цехимиз гарчи ёрдамчи цех деб аталса ҳам, унинг депода тутган ўрни катта, вазифамиз масъулиятли, қиладиган ишларимиз кўп. Сабаби, биз вагонларнинг ремонти учун қандайки деталь зарур бўлса, ҳаммасини тайёрлаб берамиз.

Тўрт ойлик топшириқни 25 апрелга қадар бажариб қўйган эдик. Ҳозир майнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз.

Депо маневр учун жуда қулай бўлган ТГМ-3 тепловозларидан фойдаланмоқда, янги вагонлар олабошлади. Бу вагонлар одатдаги вагонлардан анча фарқ қилади, уларнинг жиҳозлари ҳам бошқача. Шу сабабли ҳозир цехимизда бу хил вагонларнинг деталларини тайёрлайдиган янги асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда, уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилаяпти. Айниқса, бу тадбирларни амалга оширишда цехимиз рационализаторлари жонбозлик кўрсатаётирлар. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 20 га яқин рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилдик.

П. ЛОБАНОВ,
Тошкентдаги 2-вагон депосининг мастери.

Пўлат изларидан жадал бораётган бу составдаги тракторлар ҳадемай белгиланган манзилга — колхоз ва совхозларга етказиб берилади.
А. Абалян фотоси.

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ УЧУН

Темир йўлни экономикамизнинг қон томири деб бечиз айтишмайди. Бу жуда тўғри ўхшатиш. Темир йўл мамлакатимизнинг барча районларини бир-бирига бирлаштиради, улар ўртасидаги масофани яқинлаштиради. У қардош республикаларнинг хўжалик алоқасини янада мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда. Эндиликда мамлакатимиз жаҳонда энг йирик темир йўл мамлакати бўлиб қолди. Бу йўллардан ҳар йили миллиард тонналаб турли хил халқ хўжалиги юклари ташилмоқда ҳамда белгиланган манзилларга етказиб берилмоқда. Деярлик ҳар бир саноат корхонаси, янгидан барпо этилаётган объектлар қурилишини темир йўлсиз тасаввур қилиш қийин.

Бу биз, темирйўлчилар зиммасига жуда катта вазифалар юклатилганлигини кўрсатади. Айниқса мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши кенг кўламда авж олдириб юборилган ҳозирги вақтда зиммамиздаги масъулият янада ошди.

Буни чуқур ҳис этган мамлакатимиз темирйўлчилари қатори Тошкент бўлимининг коллективи ҳам унумли ва сифатли меҳнат қилиш, поездларнинг ҳаракатини яхшилаш, тепловоз ва вагонлардан унумли фойдаланиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Бизда ўз касбини жон-дилидан севадиган, у билан фахрланадиган ажойиб темирйўлчилар жуда кўп топилади. Оғир юкли поездларни моҳирлик билан бошқараётган машинистлар юк ташишни тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Биз ҳар йилгидек бу йил ҳам техника прогрессига алоҳида эътибор бераяпмиз. Чунки мавжуд техникани такомиллаштириш, янгиларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш коллектив олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бўлимимизнинг барча станция, деполарида ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Локомотив хўжалигида тепловозларнинг турли узелларини ремонт қилиш ишларини тезлаштиришга ёрдам берадиган бир қанча чоралар кўрилди. Янги-янги станок ва агрегатлар ишга туширилди. Депода ҳар бири икки тоннагача оғирликдаги юкни кўтарадиган тўртта кўтарма кран ўрнатилди. Шу йилнинг ўтган ойларида депода амалга оширилган бу тадбирлар 3 кишини бошқа ишга ўтказиш, ҳар йили эса деярлик 3 минг сўмлик маблағни тежаб қолиш имконини берди. Вагон деполарида ҳам ремонт ишларидаги бирқанча оғир операциялар механизациялаштирилди. Юк хўжаликларида юкларни тушириш ва ортишнинг механизация даражаси тобора ошиб бораётир. Шу йилнинг биринчи кварталида бир қанча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш туфайли бу кўрсаткич 72,1 процентга етказилди. Белгиланган планга мувофиқ эса у 63,4 процентни ташкил этиши керак эди.

Шуни қувонч билан қайд қилиш керакки, коллективимизнинг техника прогресси йўлида олиб бораётган курашига рационализатор ва ихтирочиларимиз баракали ҳисса қўшмоқдалар. Бўлимда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида новаторлар сафи кескин кенгайиб бораётир. Шу йилнинг биринчи кварталида ҳаммаси бўлиб 169 та таклиф тушди. Бу 1961 йилнинг шу давридагига нисбатан 26,1 процент кўпдир. Новаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳам анча тезлашди. Ҳозиргача 110 дан ортиқ таклиф амалга оширилди. Бунинг эвазига ҳар йили деярлик 22 минг сўмлик маблағни тежаб қолиш мумкин.

Темирйўлчилар орасидан ажойиб рационализатор ва ихтирочилар етишиб чиқди. Тепловоз депоси слесарларидан Букин, Пугач, биринчи вагон депосидан мастер Горин, слесарь Винков, иккинчи вагон депоси слесарларидан Гамазков, Семенов, Станиславов, сигнализация ва алоқа дистанцияси инженери Коваль, электромеханик Макаров ва бошқа ўнлаб ўртоқлар шулар жумласидандир. Улар ўз корхоналарида иш жараёнларини такомиллаштириш, оғир юкли операцияларни механизациялаш, коллектив иш кўрсаткичларини яхшилашга катта ёрдам беришаяпти.

Ишимизда бундай ижобий томонлар билан бирга, камчиликлар ҳам бор. Шуни очиқ эътироф этиш керакки, 7 йилликнинг тўртинчи йилини муваффақиятсиз бошладик. План айрим техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилмай қолди. Ўтган йили қўлга киритилган ютуқлар билан мағрурланиб кетиш, барча участкаларда меҳнатни пухта ташкил этишга етарли эътибор бермаслик ана шундай камчиликларга олиб келди.

Ҳозирги вақтда коллективимизнинг асосий эътибори ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Темирйўлчиларнинг Москвада бўлаётган Бутуниттифоқ кенгаши ана шу камчиликларни йўқотишда коллективимизга яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам барча темирйўлчиларимиз кенгаш ишини зўр эътибор билан кузатмоқдалар.

А. ОДИЛОВ,
Тошкент темир йўл бўлимининг бош инженери.

ИЛҒОРЛИК САРИ

Юк саройи Тошкент товар станциясининг асосий объекти ҳисобланади. Ишнинг деярлик кўпчилик қисми шу ерда бажарилади. Лекин коллективимиз сурункасига 5—6 йилдан бери планни бажараолмай, клиентларни ранжитиб келарди.

Қандай қилиб қолоқликдан чиқиш мумкин. Коллективимиз ўз имкониятларини пухта ўрганиб, фойдаланилмай етган резервлардан унумли фойдаланиш ҳамда илғор иш методларини кенг қўлланиш туфайли клиентларга хизмат кўрсатишни яхшилашга эришишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Ишни даставвал меҳнатни тўғри тақсимлашдан бошладик. Энг мураккаб операция ҳисобланган сортировка участкасига эътибор кучайтирилиб, етарли куч билан таъминланди. Кўпгина майда звенолар бирлаштирилди.

Коллектив Челябинск ва Томск темирйўлчиларининг ташаббусига қўшилиб, вагонларни қайта ишлаган ҳолда белгиланган манзилга етказиб бериш методини кенг қўлланди. Натижа ёмон бўлмади: вагонларнинг нормадан ташқари туриб қолиш ҳоллариига барҳам берилди.

Меҳнатсевар ишчиларимиз етти йиллиннинг тўртинчи йилида дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Ўтган тўрт ойда юк ортиш ва тушириш планлари анча ошириб бажарилди. Вагонларнинг тўхтаб туриш муддати камайтирилди.

Саройимизда коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшаш ҳаракати авж олди ва бу ўз меваларини бермоқда. Ҳозир 4 та бригадага ана шу фахрли ном берилган. 10 бригада бу номни олиш учун курашаяпти. Тарозибонлардан А. Шерматов, В. Високий, Н. Шумаров, Т. Калавонова ўртоқлар самарали меҳнатлари билан умум ишимизга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Л. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент товар станцияси юк саройининг мудири.

ПАССАЖИРЛАР ХИЗМАТИДАМИЗ

Ростини айтганда, бригадамиз коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун кураш бошлаган кезларда айрим ўртоқлар бунга шубҳа билан қараган эдилар. Проводниклар ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди-ку, қайдай бўларкин дейишган эди, улар. Лекин ишнинг бориши бизнинг ҳақ эканлигимизни кўрсатди.

Бригадамизнинг социалистик мажбуриятига пассажирларга маданий хизмат кўрсатишгина қолмасдан, балки поезд ҳаракати хавфсизлигини ҳам таъминлаш, вагонларнинг санитария ҳолатини ва инвентарларни аъло даражада сақлаш каби бир қанча қўшимча пунктлар киритдик ва шу асосда иш олиб бордик. Проводникларимизнинг ҳаммаси депо ҳузурида ташкил этилган ойлик техник курсда ўқиб, ўз малакаларини оширдилар. Шунингдек, кўпчилик ўртоқлар радистлик, электромонтёрлик каби қўшимча касбларни эгалладилар. Бу тадбирлар составга хизмат кўрсатадиган проводниклар штатини анча қисқартиш имконини берди.

Ўзининг хушмуомалалиги ва ширин сўзлилиги билан алоҳида ажралиб турадиган, пассажирларга намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини қозонаётган проводниклардан М. Ғофуров, Қ. Ғойибов, М. Шашкина, Р. Эгамбердиев, К. Давидовский ва бошқа ўртоқларнинг номини иккинчи вагон депосининг коллективи ҳурмат билан тилга олади. Мана икки йилдирки, бригадамиз аъзолари коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни амалий иш билан оқлаб келмоқдалар. Бундан ўнлаб ҳам биз пассажирларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

В. МУРОДХОНОВ,
проводниклар бригадири.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЯХШИ ДАМ ОЛИШЛАРИ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистоннинг санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари ҳар йили 75 мингга яқин меҳнаткашга хизмат қилмоқда. Бироқ соғломлаштириш муассасалари тармоғининг ўсиши аҳолининг талаблари ва имкониятларидан орқада қолмоқда. Сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш учун дам олувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган 6 та санаторий ва 10 та дам олиш уйи республикамиз учун мутлақо етарли эмаслиги аққол бўлиб қолди. Қисқартирилган иш кунига ўтилганлиги муносабати билан меҳнаткашларнинг шанба ва якшанба кунларида қисқа муддатли дам олишлари учун муассасаларга бўлган талаб ортди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг табиий бойликлари, соғломлаштириш тармоқларини кенгайтиришга имкон берадиган шифобахш булоқлари ва иқлимидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, деб қайд қиладилар. Болаларга санаторий, курорт хизмати кўрсатиш иши ҳам қониқарсиздир. Санаторийлар ва дам олиш уйларида дам олувчиларга хизмат кўрсатишда жиддий камчиликлар бор: малакали медицина ходимлари, ҳозирги замон медицина аппаратлари ва ускуналари етишмайди, санитария-техник эҳтиёжлари яхши таъмин этилмаяпти.

Меҳнаткашларнинг санаторий-курортларда даволанишларини ва оммавий дам олишларини ташкил этишни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соғломлаштириш муассасаларининг тармоғини кенгайтириш ва уларнинг ишини тартибга солиш юзасидан бир қатор тадбирларни белгиладилар. Корхоналар ва ташкилотлар ихтиёридаги корхона фондлари ва бошқа маблағлар билан таъминлашнинг марказлаштирилган фондларидан белгиланган тартиб бўйича соғломлаштириш муассасалари қуришга ажратилиши мумкин бўлган маблағ ҳисобига 1962—1965 йилларда санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар ва бошқа курорт муассасалари қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. Бунда касаба союзлари курорти Ўзбекистон республика бошқармаси санаторийлар ва дам олиш уйлари қурилишининг ягона заказчиси ҳисобланади ва зарур бўлган барча маблағлар шу ташкилот ҳисобига ўтказилади.

Санаторий-курорт қурилишида иқтисодий бақувват колхозлар ҳам қатнашиши мумкин. Бунинг учун олдиндан ягона заказчи билан ана шу мақсадга ажратиладиган взносларга ва маблағга мувофиқ колхоз ихтиёрига ҳар йили бериладиган путёвкалар келишиб олиниши керак.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, министрликларга, бошқармаларга, Тошкент темир йўл бошқармасига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетларига ўзларининг санаторий-курорт қурилишидаги иштироки ва улушига мувофиқ биринчи навбатда дам олиш уйларига путёвка олиш ҳуқуқи берилди.

Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари яқинида дам олиш уйлари қурилишини бундан буён меҳмонхона-пансионатлар, туристик ва спорт базалари, пионер лагерлари ва бошқа соғломлаштириш муассасалари қурилиши билан бирга олиб бориш зарур. Пионер лагерларидан улар болаларга хизмат қилмайдиган даврда меҳнаткашлар учун дам олиш уйи сифатида фойдаланилади. Бу пионер лагерларининг бинолари ушбу пионер лагерлари ўз балансида бўлган корхона ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига қайта жиҳозланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети соғламлаштириш муассасалари тармоғини кенгайтириш юзасидан тузилган бошқа бир қатор тадбирларни ҳам маъқуллардидар ва тавсия этдилар. Бухородаги «Ситораи Мохи Хоса» дам олиш уйи базасида жигар ва қорин-ичак касалликларини даволайдиган йил бўйи ишлайдиган санаторий барпо қилинади. «Ботаника» дам олиш уйи 1963 йилда йил бўйи ишлайдиган невро-соматик санаторийга айлантирилади. «Чиғатой» дам олиш уйида ушбу йилнинг ўзида 100 ўринли корпус қурилиши лозим. Ҳовос районидаги Хўжамушкент қишлоғида 150 ўринли умумиқлим санаторийси очилади. «Ҳумсон» дам олиш уйини кенгайтириш, «Ташминводи» бальнеолог касалхонаси базасида қорин-ичак касалликларини даволайдиган санаторий ва Сурхондарё областидаги «Жайронхона» республика бальнеолог касалхонасида кўп профилли санаторий ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш бошқармасига барча лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш топширилди.

Шунингдек, «Қўқсув», «Чиғатой», «Октябрь 10 йиллиги», «Ботаника», «Ҳумсон», «Бурчмулла» дам олиш уйларига борадиган йўлларни ремонт қилиш ва асфальт ётқизиш кўзда тутилди. Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига «Оби-раҳмат» дам олиш уйига олиб борадиган йўл қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатини тайёрлаш топширилди.

Соғломлаштириш муассасаларида сув булоқларининг ва қудуқларнинг техник аҳволини республика Сув хўжалиги министрлиги мунтазам контроль қилиб бориши лозим. «Чинобод», «Ботаника» ва «Чимён» санаторийлари ва дам олиш уйларида минерал сув чиқариш учун янги қудуқлар қазиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санаторий курорт муассасаларида медицина хизмати кўрсатишни яхшилашлари, 1 июнга қадар соғлиқни сақлаш муассасаларидаги санитария аҳволини текшириб чиқишлари ва аниқланган камчиликларни бартараф этишлари керак.

Дам олувчилар ўртасида маданий-оммавий ишларни янада яхшилаш талаб қилинади. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий текшириш институти, шунингдек бошқа медицина муассасалари соғлиқни сақлаш муассасаларининг ижобий тажрибасини чуқур ўрганишлари, умумлаштиришлари ва амалда жорий этишлари лозим.

Республиканинг ҳозирги вақтда ишлаб турган соғламлаштириш муассасаларига қўшимча равишда автотранспорт, жиҳозлар ва қурилиш материаллари ажратилмоқда. Барча санаторий ва курорт муассасалари телефонлаштирилади. Республика Савдо министрлигига, «Ўзбекбирлашув»га, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига санаторийларни ҳамда дам олиш уйларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, айниқса сут маҳсулотлари, парранда, янги тутилган балиқ, тухум, сабзавот ва мева билан таъминлашни яхшилаш топширилди. Меҳнаткашлар оммавий дам оладиган ҳамма жойларда умумий овқатланиш пунктлари, спиртсиз ичимликлар ва мороженое сотиш ташкил қилинади.

Ўзбекистон меҳнаткашларига, коммунизм қурувчиларга роҳатланиб маданий дам олишлари учун етарли шароит яратайлик, республикамиз соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнаткашларга малакали медицина хизмати кўрсатилсин!

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЛЕНИНЧА ИДЕЯЛАРИ — МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАЙРОҒИ

(Боши биринчи бетда).

Чор Россиясининг илгари эзилган чекка ўлкаси бўлган, халқи украин, рус ва чет эл помещиклари ва капиталистлари томонидан шафқатсиз эксплуатация қилиниб келган ҳамда бутунлай ҳуқуқсиз бўлган Украина ҳозир яшаб турган авлоднинг кўз олдида яшнаб турган илғор Совет республикасига айланди.

Республиканинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши дунёда энг кўп механикалаштирилган қишлоқ хўжалиги мамлакатларидан биридир. Республикамиз дон экинлари етиштиришнинг абсолют миқдори жиҳатидан Канада, Франция ва Аргентинадан ўзиб кетди. Украина қанд лавлаги етиштириш соҳасида жаҳонда биринчи ўринни маҳкам эгаллаб турибди. Украина республикаси саноатининг эришган муваффақиятлари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати борми? Бу муваффақиятлар ҳаммага маълум.

Украина Россиянинг таркибий қисми бўлганлиги Украинадаги меҳнаткашлар оммасининг социал ва миллий озодлик учун курашида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Россия XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида жаҳон революцион ҳаракатининг маркази, ленинизм ватани бўлиб қолган эди. Шу сабабли Украина ишчилар синфининг революцион ҳаракати бутун Россия пролетариати революцион курашининг таркибий қисми бўлиб ривожланди. Олим Украина ишчилар синфининг рус ишчилар синфи ёрдами билан, Ленин партияси раҳбарлигида социализм учун кураш назарияси ва практикасини эгаллаб олганлигини, барча миллатлар меҳнаткашларининг синфий манфаатларини бирлаштириш кераклигини англаб олганлигини, буржуа миллатчиларига ва Совет ҳокимиятининг бошқа душманларига қарши курашганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисолларни айтиб ўтади.

Нотиқ Украинанинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тузиш ленинча ғоясини биринчилардан бири бўлиб қувватлаб чиққанлигини эслатиб ўтади. Украина СССР халқлари қардошлик оиласида улуғ рус халқининг ҳамда кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа халқларнинг бебаҳо холисона ёрдами билан қудратли индустрлашган-колхозлашган давлатга, илғор маданиятли ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги юксак даражага кўтарилган республикага айланди. Унинг халқаро обрўси беқиёс ўсди. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилиш барча социалистик миллатлар сингари украин миллатига ҳам хос бўлган интилишдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган Украинанинг меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда ленинча тинчлик сиёсатини кизғин қўллаб-қувватламоқдалар, бу сиёсатни амалга оширишга бошқа давлатлар билан олиб бораётган иқтисодий алоқалари, кам ривожланган мамлакатларга ёрдам бериш йўли билан кўмаклашмоқда.

Улуғ Октябрь ғалабаси мамлакатимизда халқларни эзиш сиёсатига абадий барҳам берди, самодержавие ва рус империалистик буржуазиясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида келиб чиққан халқлар тенгсизлигини тугатди,— дейди Минск педагогика институтининг доценти **А. Д. Молочко** ўзининг «Белоруссия ССРда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» темасидаги нутқида. Совет Иттифоқидаги тенг ҳуқуқли миллатлар орасида энг илғор миллат бўлган улуғ рус халқи илгари эзилиб келган миллатларга айниқса катта ёрдам берди. СССРда социализмнинг тўла-тўкис ва узилкесил ғалаба қозонини учун кўпсоҳли ташқи ва ички душманларга қарши биргаликда олиб борилган кураш натижасида кўпмиллатли улуғ Ватанимиз халқлари мисли кўрилмаган даражада жиддий равишда ривожланиб кетди, улар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида мустаҳкам бирликка эришдилар. Бу ютуқлар қудратли ленинчи коммунистлар партияси қунт ва сабот, изчиллик билан амалга ошириб келаётган ленинча миллий сиёсатнинг буюк тантанасидир.

Нотиқ ёрқин мисоллар келтириб, КПСС Программасида қардош республикалар экономикасини ҳар тарафлама ривожлантириш, улар ўртасида меҳнатни социалистик тарзда тақсимлашни такомиллаштириш, умумдавлат манфаатларини ҳар бир республика манфаати билан тўғри қўшиб олиб бориш юзасидан белгиланган режалар қандай амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Партия XXII съездининг тарихий қарорлари, миллий республикаларнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши тўғрисида партиямиз кўрсатаётган улуғ ғамхўрликдан руҳланган, Совет Иттифоқининг барча халқлари, ягона ва аҳил оила бўлиб коммунистик қурилишнинг улкан вазифаларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Белоруссия ССР саноат ходимлари ишлаб чиқаришнинг етти йиллик охирига белгиланган даражасига беш йилда эришиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Республика қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда.

Ўтмишда чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси бўлган Белоруссия ССР етти йилликнинг охирига келиб аҳоли жон бошига металл қирқувчи станоклар, тракторлар, жун газлама ва саноат буюмларининг бошқа бир қанча муҳим турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан АҚШнинг ҳозирги даражасидан ўзиб кетади. Республика халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларининг ривожланиш даражаси жиҳатидан ҳозирнинг ўзидаёқ Америка Қўшма Штатларини ва бошқа капиталистик мамлакатларни орқада қолдирди.

Бреван консерваториясининг доценти **И. И. Тамразова** Закавказье коммунистик ташкилотларининг халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларни интернационал асосларда жипслаштириш учун олиб борган кураши тўғрисида сўзлаб берди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллий зулм кишанларини абадий парчалаб ташлаб, бутун мамлакатимиз халқларининг тақдирида тубли бурилиш ясади. Россияда миллий масалани тўғри ҳал қилишда большевистик партиянинг қудратли ғоявий қуроли бўлган ленинча миллий сиёсат таълимоти Кавказ ва Закавказье халқлари тақдирини белгилашда ҳам бебаҳо роль ўйнади.

Закавказьеда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги грузин меньшевиклари, арман дашнақлари ва озарбайжон мусаватчилари контрреволюцион миллатчи ҳукуматлари «сиёсий донолиги»нинг асосини ташкил этган миллий адоват, душманлик ва ўзаро низоларга барҳам берди. В. И. Ленининг Кавказ коммунистларига ёзган маълум хатида баён қилиб берилган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилинганлиги Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Закавказье меҳнаткашларини интернационал асосда жипслаштириш, ўлкада хўжалик, маданий ва сиёсий жонланишни рўёбга келтириш учун курашда ғоят катта аҳамият касб қилди. Революция доҳийсининг мустаҳкам миллий тинчлик ўрнатиш, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш тўғрисидаги, ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳамма чоралар билан ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмалари Закавказье коммунистик ташкилотларининг жангговар программаси бўлиб қолди. Закавказье коммунистик ташкилотлари Коммунистик партия, шахсан В. И. Ленин ва РКП(б) Марказий Комитетининг С. Оржоникидзе бошлиқ Кавказ бюроси раҳбарлигида, халқлар ўртасида қардошлик ва дўстликни янада мустаҳкамлашга тўсқинлик қилаётган миллий оғмачиларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. СССРнинг барпо этилганлиги, социалистик қурилиш жараёнида Закавказье республикаларининг бошқа Совет республикалари билан мустаҳкамланиб борган алоқалари натижасида барча миллатлар ҳар томонлама ривож топди, қардош халқлар тўла-тўкис тенг бўлиб қолди.

Бу нарса Арманистон мисолида яққол кўриниб турибди. 1960 йилда республика саноат маҳсулотининг ҳажми 1913 йилдаги даражадан 70 баравар ортиб кетди. Арманистон ҳозирги вақтда Европа, Осиё ва Африкадаги 37 мамлакатга машина ва ускуналар экспорт қилмоқда. Арманистон ёппасига электрлаштирилган республикага айланди. Арманистон аҳоли жон бошига электр энергияси ишлаб чиқариш жиҳатидан Франция, Япония ва Италия каби тараққий этган капиталистик мамлакатларни орқада қолдирди.

Тбилиси Давлат консерваториясининг доценти **И. А. Соломония** ўз нутқида Грузия ССРда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида гапириб айтдики, кўп асрлар давомида грузин халқи ўз шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонларча курашди. Лекин фақат Совет ҳокимиятигина Грузия халқига кўп асрлар давомида астойдил орзу қилиб келган нарсаларнинг ҳаммасини берди.

Тошкентда олий ўқув юртларидаги Бутуниттифоқ конференция ўз ишини давом эттирмоқда. СУРАТДА: конференция қатнашчиларидан бир группаси (чапдан ўнгга) А. Б. ТУРСУНБОЕВ (Қозоғистон), С. А. РАЖАБОВ (Тожикистон), Г. С. ОГАНЕСОВ (Арманистон), Е. Е. БУРЧУЛАДЗЕ (Грузия), А. Т. ТЛЕУБЕРДИН (Қозоғистон), А. А. БОРОДИН (Украина) ўртоқлар. В. Кожевников ва В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги, ўзининг меньшевиклар партиясининг ҳукмронлиги даврида ҳеч қачон кўрмаган, ҳеч ким ишонмаган ютуқларга эришганлиги, ҳозирги кунда ленинча миллий сиёсат ва Совет ҳокимиятининг бошқа душманларига қарши курашганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисолларни айтиб ўтади.

Нотиқ Украинанинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тузиш ленинча ғоясини биринчилардан бири бўлиб қувватлаб чиққанлигини эслатиб ўтади. Украина СССР халқлари қардошлик оиласида улуғ рус халқининг ҳамда кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа халқларнинг бебаҳо холисона ёрдами билан қудратли индустрлашган-колхозлашган давлатга, илғор маданиятли ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги юксак даражага кўтарилган республикага айланди. Унинг халқаро обрўси беқиёс ўсди. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилиш барча социалистик миллатлар сингари украин миллатига ҳам хос бўлган интилишдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган Украинанинг меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда ленинча тинчлик сиёсатини кизғин қўллаб-қувватламоқдалар, бу сиёсатни амалга оширишга бошқа давлатлар билан олиб бораётган иқтисодий алоқалари, кам ривожланган мамлакатларга ёрдам бериш йўли билан кўмаклашмоқда.

Улуғ Октябрь ғалабаси мамлакатимизда халқларни эзиш сиёсатига абадий барҳам берди, самодержавие ва рус империалистик буржуазиясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида келиб чиққан халқлар тенгсизлигини тугатди,— дейди Минск педагогика институтининг доценти **А. Д. Молочко** ўзининг «Белоруссия ССРда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» темасидаги нутқида. Совет Иттифоқидаги тенг ҳуқуқли миллатлар орасида энг илғор миллат бўлган улуғ рус халқи илгари эзилиб келган миллатларга айниқса катта ёрдам берди. СССРда социализмнинг тўла-тўкис ва узилкесил ғалаба қозонини учун кўпсоҳли ташқи ва ички душманларга қарши биргаликда олиб борилган кураш натижасида кўпмиллатли улуғ Ватанимиз халқлари мисли кўрилмаган даражада жипслашди ва яқинлашиб кетди, улар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида мустаҳкам бирликка эришдилар. Бу ютуқлар қудратли ленинчи коммунистлар партияси қунт ва сабот, изчиллик билан амалга ошириб келаётган ленинча миллий сиёсатнинг буюк тантанасидир.

Нотиқ ёрқин мисоллар келтириб, КПСС Программасида қардош республикалар экономикасини ҳар тарафлама ривожлантириш, улар ўртасида меҳнатни социалистик тарзда тақсимлашни такомиллаштириш, умумдавлат манфаатларини ҳар бир республика манфаати билан тўғри қўшиб олиб бориш юзасидан белгиланган режалар қандай амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ўзининг меньшевиклар партиясининг ҳукмронлиги даврида ҳеч қачон кўрмаган, ҳеч ким ишонмаган ютуқларга эришганлиги, ҳозирги кунда ленинча миллий сиёсат ва Совет ҳокимиятининг бошқа душманларига қарши курашганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисолларни айтиб ўтади.

Нотиқ Украинанинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тузиш ленинча ғоясини биринчилардан бири бўлиб қувватлаб чиққанлигини эслатиб ўтади. Украина СССР халқлари қардошлик оиласида улуғ рус халқининг ҳамда кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа халқларнинг бебаҳо холисона ёрдами билан қудратли индустрлашган-колхозлашган давлатга, илғор маданиятли ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги юксак даражага кўтарилган республикага айланди. Унинг халқаро обрўси беқиёс ўсди. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилиш барча социалистик миллатлар сингари украин миллатига ҳам хос бўлган интилишдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган Украинанинг меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда ленинча тинчлик сиёсатини кизғин қўллаб-қувватламоқдалар, бу сиёсатни амалга оширишга бошқа давлатлар билан олиб бораётган иқтисодий алоқалари, кам ривожланган мамлакатларга ёрдам бериш йўли билан кўмаклашмоқда.

Улуғ Октябрь ғалабаси мамлакатимизда халқларни эзиш сиёсатига абадий барҳам берди, самодержавие ва рус империалистик буржуазиясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида келиб чиққан халқлар тенгсизлигини тугатди,— дейди Минск педагогика институтининг доценти **А. Д. Молочко** ўзининг «Белоруссия ССРда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» темасидаги нутқида. Совет Иттифоқидаги тенг ҳуқуқли миллатлар орасида энг илғор миллат бўлган улуғ рус халқи илгари эзилиб келган миллатларга айниқса катта ёрдам берди. СССРда социализмнинг тўла-тўкис ва узилкесил ғалаба қозонини учун кўпсоҳли ташқи ва ички душманларга қарши биргаликда олиб борилган кураш натижасида кўпмиллатли улуғ Ватанимиз халқлари мисли кўрилмаган даражада жипслашди ва яқинлашиб кетди, улар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида мустаҳкам бирликка эришдилар. Бу ютуқлар қудратли ленинчи коммунистлар партияси қунт ва сабот, изчиллик билан амалга ошириб келаётган ленинча миллий сиёсатнинг буюк тантанасидир.

Нотиқ ёрқин мисоллар келтириб, КПСС Программасида қардош республикалар экономикасини ҳар тарафлама ривожлантириш, улар ўртасида меҳнатни социалистик тарзда тақсимлашни такомиллаштириш, умумдавлат манфаатларини ҳар бир республика манфаати билан тўғри қўшиб олиб бориш юзасидан белгиланган режалар қандай амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар XVI асрнинг иккинчи ярмидан, Рус давлати Волга савдо йўлини эгаллаб, ўз кемаларини Каспий денгизига юбора бошлаганидан бошлаб, айниқса тез ривожланиб кетди.

Туркманлар Россия билан савдони ривожлантириш билан бирга Россия сиймосида туркман халқини азоблаб келган доимий урушларни тугатишга қодир бўлган, ўзини қўшни феодаллар ҳужумидан ҳимоя қилишга қодир бўлган кучни кўрди.

XIX асрда туркман ерларининг Россияга қўшиб олинганлиги ғоят прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ўзаро урушларга барҳам берилди, қуллик тугатилди. Туркманистон Россия иқтисодий системасига жалб қилина бошлади, туркман маданиятига рус демократик маданиятининг самарали таъсири ўта бошлади. Туркманистоннинг Россияга қўшиб олинишининг энг муҳим оқибати шу бўлдики, золимларга қарши биргаликда олиб борилган кураш жараёнида меҳнаткаш туркман халқи билан рус халқи яқинлаша борди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунлариданоқ Закаспий областида туркман дайҳанларини Советларга, Қизил гвардияга жалб этиш, халқимизнинг энг яхши вакилларини Коммунистик партияга қабул қилиш жараёни авж олиб кетди. Рус ишчилари ва туркман дайҳанларининг жанговар революцион иттифоқи вужудга келди ва мустаҳкамланди.

Бу иттифоқ мамлакатимизда социализм қурилиши йилларида бузилмас дўстликка айланди. Бу дўстликнинг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бориши, рус ва туркман миллатларининг, шунингдек СССРдаги бошқа миллатларнинг яқинлашуви марксча-ленинча фанинг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси миллий сиёсатининг ажойиб тантанасидир.

Халқларнинг ленинча дўстлиги, улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг ёрдами қандай яхши самара бераётганлигини кўрсатувчи кўп мисоллар келтириш мумкин. Октябрь революциясидан илгари Туркманистон аҳолисининг атиги 0,7 проценти саводли эди. Ҳозирги вақтда Туркманистон ёппасига саводхонар республикасига айланди. 1300 мактабда уч юз мингдан кўпроқ киши ўқимоқда. Халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида кўп халқларнинг вакиллари ҳамжиҳат бўлиб биргаликда меҳнат қилмоқдалар. Масалан, яқинда ишга туширилган Қорақум канали қурилишида 32 миллат вакиллари қатнашди, бутун мамлакат ана шу ирригация иншоотини қуришга ёрдам берди.

Совет Иттифоқида инсоният тарихида биринчи марта хотин-қизларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги амалга оширилди. — Туркманистон ССР халқ маорифи министрининг ўринбосари **Б. П. Полвонова** ўзининг Совет Шарқи хотин-қизларининг озод бўлиши—ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши тўғрисидаги нутқини ана шундай сўзлар билан бошлайди. Ўрта Осиё шароитида социализм қурилиши хусусиятларидан бири, социалистик революция эришган энг катта ютуқлардан бири хотин-қизлар ҳуқуқсизлигининг тугатилганлиги бўлди. Бу тадбирни амалга оширмай туриб иқтисодий ва маданий қолоқликни бартараф қилишда, бой-феодалларча муносабатни, жаҳолатни, фанатизмни, нодонликни таг-томири билан кўпориб ташлаш соҳасида бир қадам ҳам олга силжиш мумкин эмас эди.

Коммунистик партия Шарқ хотин-қизларини озод қилиш масаласини ҳал қилишда В. И. Ленининг тарихий васиятларига амал қилди. Улуғ доҳий меҳнаткаш хотин-қизларни озод қилишни социал ва миллий масалани ҳал қилишнинг таркибий қисми деб билган эди.

Совет шарқи хотин-қизларини озод қилиш ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш негизида ўтказилди. Миллий давлатчиликни барпо этиш, саноатни кучли суратда ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, маданий революцияни авж олдириш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришнинг ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларига оммавий суратда жалб этиш хотин-қизларни давлат, хўжалик ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ва онлада чинакам тенг ҳуқуқлилик даражасига кўтарди. Аҳолининг ярмини ташкил этувчи хотин-қизларнинг азалий ҳуқуқсизлигини тугатиш ишлаб чиқарувчи кучларни, миллий экономика ва маданиятни янада ривожлантиришнинг қудратли омили бўлди.

Ўрта Осиё хотин-қизлари ҳуқуқсиз чўридан ўз тақдири, ўз мамлакатининг тенг ҳуқуқли хўжайинига айланди. Мана шу ажойиб ўзгаришлар бир авлоднинг ҳаёти мобайнида рўй берди. Бу ленинча миллий сиёсат эришаётган улуғвор натижалардан биридир. КПСС Программаси хотин-қизларнинг турмушдаги тенгсиз мавқеи қолдиқларини батамом тугатишни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча социал-маиший шароитларни вужудга келтиришни талаб қилади.

* * *

Бутуниттифоқ олий ўқув юртларидаги илмий конференция ўз ишини давом эттирмоқда. 8 майда секция мажлислари бўлади.

Кечқурун конференция қатнашчилари драматург Иззат Султонов либреттоси асосида ёзилган композитор Мухтор Ашрафийнинг янги музикали асари—«Шоир қалби» операсини Навоий номли театрда томоша қилдилар.

Қ. УЗОҚОВ, Ю. КУКАРКИН, Г. ЛИПШИЦ, Е. МАЙОРОВ.

(ЎзТАГ мухбирлари).

СОВЕТ ЎРТА ОСИЁСИ БУГУН

«Новости» матбуот агентлиги чет элларда нашр қилинадиган совет матбуотида Совет Ўрта Осиё республикалари ҳаёти ҳақида мунтазам ҳикоя қилмоқда. Ҳозирги вақтда хорижий Шарқ мамлакатларидаги дўстларимизнинг кўплаб саволларига жавобан «Новости» матбуот агентлиги Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республика газеталари редакциялари билан биргаликда «Советлар мамлакати» журналининг сонини тайёрлашда иштирок этадилар, деб умид қилади. Заводда ёки фабрикада, колхозда ва совхозда, мактабда ва институтда шу йил май ойининг иккинчи ҳафтасида иш кунларининг бирида ўзингиз ёки дўстларингиз ҳаётида юз берган муҳим воқеалар ҳақида ёзиб юборишингизни сўраймиз.

Ўз хатларингизни, фотография ва суратларни «Қизил Ўзбекистон» газетаси адресига юборишингиз мумкин. Конвертга «Ўзбекистон бугун» деб белги қўйинг.

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИКДА

Милош ПАРИС

Чехословакия Социалистик Республикасининг Москвадаги элчихонаси вакили

□ □

9 май куни Чехословакия Социалистик Республикасининг давлат байрами. Чехословакия билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ҳамда бузилмас иттифоқнинг ифодаси бўлиб қолди. Худди шу куни Совет Армияси Чехословакия ерини фашист галаларидан тозалаган эди. Мамлакат озод қилиниши биланоқ меҳнаткаш халқимиз дарҳол уруш оқибатларини тугатишга киришди. Чехословакия Коммунистик партияси халқ мамлакатнинг хўжайини бўлган тақдирдагина янги давлатни вужудга келтириш мумкин эканлигини айтди. Шу билан бирга партия янги республика Совет Иттифоқи билан мустаҳкам қардошларча ҳамкорлик ўрнатиш йўлини тутганидагина империалистларнинг найрангларидан гарантияланган бўлади деб кўрсатди.

1945—1948 йилларда мамлакатимизни ривожлантириш учун ҳал қилувчи кураш кенг қулоч ёйди. Бу кураш ички ва ташқи реакция фитнасининг тор-мор келтирилиши ҳамда Коммунистик партия раҳбарлигидаги Чехословакия меҳнаткашларининг ғалабаси билан якунланди. Натижада халқимиз социалистик жамият қуришни бошлаш имкониятига эга бўлди. Янгича бошқаришни, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш ва корхоналарни бошқаришни ўрганиб олиш лозим эди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлига солиб юбориш зарур эди. Маданият соҳасида ҳам улкан вазифалар турарди. Чехословакия Коммунистик партияси барча меҳнаткашлар партияни ўз доҳиси деб билаётганликларини, улар партиядан кундалик иш учун маслаҳат ва кўрсатмалар кутаётганликларини яхши тушунарди. Партия ҳам ўз олдида турган вазифаларни шараф билан бажарди.

Мамлакатнинг ҳал қилувчи тармоқлари ҳамда корхоналарини национализация қилиш натижасида экономикани планли равишда ривожлантириш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Халқ хўжалигини тиклашни таъмин этган икки йиллик план (1947—1948 йиллар)дан сўнг биринчи беш йиллик план ишлаб чиқилди. Бу план Чехословакия экономикасини вужудга келтириш ҳамда қайта қуришни ва шу асосда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишни кўзда тутган эди. Чехословакия халқи ўз Коммунистик партияси томонидан олдиндан белгилаб берилган вазифаларни бажара бориб, катта муваффақиятларга эришди.

Иккинчи беш йиллик план (1956—1960 йиллар)нинг асосий мақсади сифатида социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш тугаллаш масаласи олдинга сурилган эди. Чехословакия меҳнаткашлари бу планни ҳам шараф билан бажардилар. 1960 йили саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1956 йилга нисбатан 65 процентга кўпайди. Иккинчи беш йиллик охирида қишлоқ хўжалигини кооперациялаштириш асосан тугалланди.

Чехословакия Социалистик Республикасида қўлга киритилган муваффақиятлар туфайли мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг янада гуркираб ўсиши учун шарт-шароитлар яратилди. 1960 йил 5 — 7 июлида Прага Кремлида бўлиб ўтган Чехословакия Коммунистик партиясининг умум давлат конференцияси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1961—1965 йилларга мўлжалланган учинчи беш йиллик плани юзасидан резолюция қабул қилди.

Чехословакия Республикаси экономикасининг ҳамма соҳаларида эришилган йирик муваффақиятлар кўзга ташланиб турибди. Республика саноати ҳозирги вақтда урушга қадар бўлган даврдагига нисбатан тўрт марта кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Саноат юксак суръатлар билан ривожланаётганлиги туфайли оғир индустриянинг энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Чехословакия аҳоли жон бошига ҳисоблаганда металл қирқувчи станоклар ишлаб чиқариш юзасидан АҚШдан ўзиб кетди. Прокат асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бўйича эса АҚШ билан бир даражада турибди. Аҳоли жон бошига пойафзал ва жун газламалар ишлаб чиқариш бўйича Чехословакия Қўшма Штатлардан, Ғарбий Германия ва Франциядан аллақачон ўзиб кетган. Қишлоқ хўжалиги ҳам муттасил юксалиб бормоқда.

Чехословакиянинг Совет Армияси томонидан озод қилинганидан буён ўтган вақт ичида халқимизнинг маданиятини юксалтиришда катта муваффақиятларга эришилди. Агар 1937 йили буржуа Чехословакиясида 13 та олий ўқув юрти бўлган бўлса, 1960 йилда эса Чехословакия Социалистик Республикасида уларнинг сони 50 тага етди. 1937 йили асосан буржуа оилаларининг вакилларидан иборат бўлган 23 минг студент бор эди. 1960 йили студентларнинг сони тахминан 100 мингга етди. Улар асосан ишчи ва деҳқонларнинг фарзандларидир.

Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида ҳар томонлама ривожланган социалистик жамият қурмоқдалар. Бизнинг мамлакатимиз социализм лагерининг мустаҳкам звеноси, тинчлик учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун актив курашчидир. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсати ленинча тинч-тотув яшаш принципларига асосланган.

Чехословакия меҳнаткашлари СССР каби иттифоқчига эга бўлганликлари туфайли социализм қурилишида буюк муваффақиятларга эришганликларини яхши тушунадилар. Совет Иттифоқи билан бизнинг иқтисодий алоқаларимиз ҳар иккала мамлакат фойдасига муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда.

Совет ва Чехословакия халқлари ўртасидаги қардошларча муносабатлар маданият соҳасида ҳам ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз халқларининг маданияти бир-бирига жуда яқин, уларга хос бўлган кўпгина умумий белгилар бор. Ҳар иккала мамлакат ҳаётида Чехословакия — Совет дўстлиги союзи ҳамда Совет — Чехословакия дўстлиги жамияти муҳим роль ўйнамоқда.

Чехословакия меҳнаткашлари ўз ватанининг Совет Армияси томонидан озод қилинган кунинг 17 йиллигини нишонлаётган шу кунларда Чехословакия Социалистик Республикаси Компартия с и н и н г XII съездига тайёргарлик бормоқда.

Чехословакия Коммунистик партиясининг XII съездига тайёргарлик КПСС Программасининг, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съезди қарорларининг жуда катта таъсири остида ўтмоқда. КПССнинг бой тажрибасидан биз янги ҳаёт қуришда фойдаланамиз.

МЕҲМОНДЎСТЛИГИНГИЗ УЧУН МИННАТДОРМИЗ

Биз, Совет Туркистонининг ветеранларини, халқ бўлган дўстларимиз — туркистонлик ўн тўрт комиссарга ўрнатилган ҳайкалнинг очилиши маросимига ва гуллаб-яшнаётган социалистик Ўзбекистон билан танишишга таклиф этганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика ҳукуматига, Тошкент шаҳар партия комитетига ва ижроия комитетига чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз. Биз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг саноат, қишлоқ хўжалиги, уй-жойлар, мактаблар, шифохоналар, маданият саройлари, автомобиль йўллари қуриш соҳасида, маҳаллий аҳоли орасидан мутахассислар, олимлар тайёрлаш соҳасида, шунингдек, маданият ва санъат соҳасида эришган ютуқларидан чин қалбдан қувондик. Социалистик Ўзбекистон ленинча миллий сиёсат амалда жорий этилишининг намунасидир, бутун Шарқ халқлари учун улуғ Ленин кўрсатган йўлни ёритиб турувчи машъалдир.

Биз, кекса большевикларни самимий кутиб олганликлари учун ишчиларга, колхозчиларга, ўқувчиларга, олимларга миннатдорчилик билдирамиз. Ўзбекистон меҳнаткашларига коммунизм қурилишида катта муваффақиятлар тилаймиз. Уларнинг Ватан олдидаги мажбуриятларини шараф билан бажаришларига имонимиз комил.

Бахтли ва меҳмондўст Ўзбекистонга коммунистик салом!

А. А. Казанов, Я. Д. Чанишев, П. Ф. Зайцев, А. С. Черняков, С. В. Теодорович, Д. М. Устабоев, Г. П. Седих, И. Ф. Куц, Т. Л. Солькина, А. Солькина (Шумилова), К. Першина.

БУГУН ҒАЛАБА КУНИ

СОЦИАЛИСТИК ИЖТИМОИЙ ТУЗУМНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

☆ ☆ ☆

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЗЎР ЖАСОРАТИ

А. И. ЕРЕМЕНКО,
Совет Иттифоқи Маршали

Чинакам кишилик тарихининг биринчи ижодчиси бўлган халқимиз ўз йилномасига кўпгина қаҳрамонлик саҳифаларини ёзди. Герман фашизмига қарши Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишилари кўрсатган сўнмас жанговарлик жасорати ана шундай саҳифаларнинг биридир. Москвада тантанали салют гитлеризмнинг мудҳиш уяси яксон этилганлигини, тинчлик, озодлик ва ҳаққоний иш жаҳолат ва зулмат кучлари устидан тантана қилганлигини жаҳонга маълум қилган 1945 йилнинг 9 майидан буён орадан ўнетти йил ўтди.

Эндиликда фашизмни тор-мор келтириш имконини берган ғалабамизнинг сабаблари ҳақида ўйлаганимизда биз ифтихор билан бундай деймиз: бу ғалабага социалистик тузумнинг куч-қудрати, совет халқининг қаҳрамонлиги туфайли, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги туфайли эришилди. Ленин партияси ўтмишда қолоқ бўлган Россияни буюк ўзгаришлар йўлига, биринчи даражали индустрияни ва коллектив қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш йўлига олиб чиқди. Ана шу биринчи даражали индустрия ва коллектив қишлоқ хўжалиги ҳозирги замон урушини голибона олиб бориш имконини берди. Партия—Совет Армиясининг, мисли кўрилмаган маънавий-жанговар сифатларга эга бўлган янги типдаги армиянинг ташкилотчисидир. Урушнинг оғир кунларида КПССнинг ташкил этувчилик ва бошқарувчилик роли алоҳида куч билан намоён бўлди. Юзминглаб коммунистлар фронтнинг энг масъулиятли участкаларида жанг қилдилар. Ватан манфаатлари йўлида ҳарбий шавкат ва фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Партиямиз марказий органлари аъзоларининг учдан бир қисми қажратдаги армияда снёсий иш олиб борди. Партия Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари фронт ва армия ҳарбий советларининг составига кирдилар.

СССРга қўқисдан ҳужум қилиб, асосий участкалардаги куч устунлигидан ва мамлакатни мудофаага тайёрлашда йўл қўйилган хатолардан (бу хатолар Сталининг шахсига сиғиниш билан боғлиқ эди) фойдаланиб, фашист қўшинлари урушнинг дастлабки кунлариданоқ жон-жаҳдлари билан олға томон интилдилар. Совет Армиясини мамлакат ичкарисига томон чекинишга мажбур қилдилар.

Коммунистик партия бутун халқни душманга қаршилик кўрсатишга кўтарди, барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни таъминлади. Смоленск, Ярцев, Ельн, Рославль ва Брянск остоналаридаги қонли мудофаа жангларида душман зарбаларимизнинг кучини сезди. Совет қўшинлари 1941—1942 йилларнинг қишида Москва остоналарида қилган кескин қарши ҳужум Германиянинг яшин тезлигидаги ғалабага бўлган ишончини барбод қилди.

Шундан кейин Совет Армияси Қора денгиздан тортиб то Болтиқ денгизигача бўлган бутун фронт бўйлаб қудратли ҳужумни қизитиб юборди. 1943 йилнинг ёзида гитлерчилар Курск районида ҳужум бошлаб, ўзлари қўлдан бой берган стратегик ташаббусни қайтаришни мўлжалладилар. Бироқ бу уриниш ҳам уларни янги ҳалокатли мағлубиятга олиб келди. Шундан сўнг Украина ва Белоруссияда, Болтиқ бўйи ва Шарқий Пруссияда, Висла ва Одерда бўлган энг йирик жангларда, Берлин учун бўлган тарихий жангда партия тарбиялаган саркардалар бошчилигидаги совет қўшинлари буюк ғалабаларга эришдилар.

Мамлакат ичкарисида қурол тайёрлаганларнинг, Урал ва Сибирь заводларида, шахталарида ва конларида ишлаганларнинг, кўмир қазиб чиқарганларнинг, пўлат эритганларнинг, қудратли жанговар техникани вужудга келтирганларнинг ҳам жасорати беқиёсдир. Ана шу техника ёрдами билан фашизм тор-мор келтирилди.

Совет кишилари ўз жасоратларининг бутун улуғворлигини ҳис этган ҳолда гитлеризмга қарши коалициядаги барча халқларнинг ғалабага қўшган ҳиссаларини ҳам юксак баҳоламоқдалар. Бироқ фашизмга қарши ҳаёт-мамот учун олиб борилган курашнинг асосий оғирлиги халқимиз зиммасига тушганлиги шубҳасиздир. Америка ношири Г. Коулс билан суҳбатда Н. С. Хрушчев бундай деди: ўтган урушда мамлакатимиз «жуда катта қурбонлар берди, миллион-миллион одамларни йоқотди; уруш оловида жуда катта бойликлар, моддий ва маданий бойликлар кўйиб кул бўлди. Ниҳоят Гитлерни тор-мор келтирдик».

Халқимизнинг герман фашизми ва Япон милитаризми устидан қозонган ғалабаси ўз оқибатлари жиҳатидан ўтмишдаги барча озодлик урушларидан устун туради. Халқаро империализмнинг зарбдор кучлари тор-мор қилинганлиги жаҳон капиталистик системасини заифлаштирди. Социализм бир мамлакат доирасидан ташқарига чиқди. Жаҳон социализм системаси вужудга келди.

Бироқ Ғарбнинг империалистик доиралари ўтган урушдан хулоса чиқариб олмадилар. Улар тарихий процесснинг боришини ўзгартиришга урониб, ҳозирги вақтда термо-ядро қуроли билан пўпписа қилмоқдалар, дунёни қирғин келтирувчи термо-ядро уруши гирдобига тортишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Агрессиянинг ташкилотчиси ва реакциянинг таянчи ролини ўйнаётган Америка империализми қўлдан бой берган позицияларини қайтариш учун жон-жаҳди билан уринмоқда. Шу сабабли у ҳар қандай жирканч воситалардан фойдаланмоқда, дунёнинг турли ерларида тўғридан-тўғри қуролли агрессияни амалга оширмоқда. Америка Қўшма Штатларида фақат ўтган йили ҳарбий мақсадларга қилинган харажатлар 6 миллиард доллар кўпайтирилди; ҳозирги вақтда ҳарбий бюджет мисли кўрилмаган миқдорга — 55,1 миллиард долларга етказилди.

Партиямиз ўзининг XXII съездда қабул қилинган Программасида ўз ташқи снёсатининг асосий мақсади жаҳон урушининг олдини олишдан, ҳозирги авлод умри давомида урушни жамият ҳаётидан бутунлай бартараф қилишдан иборат деб билади, деди. Биз ўтган уруш инсоният тарихида сўнгги уруш бўлиб қолишига қатъият билан эришмоқдамиз. Совет делегацияси ўнсаккиз давлат Комитетининг Женева кенгашида сарфлаётган куч-ғайрат буни яна бир марта исботлайди. Фактларга объектив баҳо бериш қобилиятига эга бўлган кишилар империалистлар бошламоқчи бўлган катта урушнинг олди олинганлиги КПССнинг Совет давлати қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятининг, у ленинча ташқи снёсатни амалга оширганлигининг, социализм лагери мустаҳкамланганлигининг, ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар активлашганлигининг натижаси эканлигини биладилар. Ўз-ўзидан маълумки, бундан кейин ҳам тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш биринчи навбатда СССР ва бутун социализм лагери мудофаа қобилиятининг аҳволига боғлиқдир.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳозирги замон урушининг характери ва хусусиятларини илмий асосда олдиндан кўришга қатъий амал қилинган ҳолда қурилмоқда. Қуролли Кучларимиз биринчи даражали қуролларнинг ҳамма турлари билан, шу жумладан атом ва водород қуролларн, ракета техникаси, электрон приборлар билан қуролланган. Кейинги вақтларда эса олимлар ва инженерлар глобаль ракеталар деб аталувчи янги қитъалараро ракеталарни яратдилар; уларни душман мўлжалга ололмайди ва исталган томондан ер шари атрофида учиб бораолади ва белгиланган ҳар қандай жойга зарба бераолади.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ўзининг қудрати, юксак маънавий-снёсий ва жанговарлик сифатлари учун илгаригидек ҳозир ҳам Коммунистик партиянинг снёсати ва ягона раҳбарлигидан миннатдордирлар. Партиянинг кундалик раҳбарлиги, армия партия ташкилотларининг роли ва таъсири ошганлиги ҳарбий қурилиш асосларининг асоси ҳисобланади.

Партия Программасидан, партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларидан, совет халқи меҳнатда эришаётган муваффақиятлардан руҳланган совет жангчилари жанговар меҳнатнинг ажойиб намуналарини кўрсатмоқдалар, ўзларининг ҳарбий маҳоратларини, барча қисмлар ва бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун тинмай курашмоқдалар. Қўшинларда социалистик мусобақа кенгаймоқда, кўпгина энг қимматли ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келмоқда. Эндиликда бутун-бутун бўлинмалар ва қисмлар машъаллар бўлиб қолдилар.

Кейинги тўрт йил мобайнида жанговар ва снёсий тайёргарликда эришган муваффақиятлари, янги техникани муваффақиятли эгаллаганликлари ва катта жасорат кўрсатганликлари учун Совет ҳукумати бир неча минг солдат, матрос, сержант, старшина ва офицерларни орден ҳамда медаллар билан мукофотлади.

Ўз жангчилари билан манфаати бир бўлган совет халқи СССР Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Жумладан, бу ДОСААФнинг актив фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Партия Совет Қуролли Кучлари олдига халқимизнинг буюк ғалабаларини, социализм ғалабаларини қўриқлаш соҳасида катта вазифалар қўйди. Жангчиларимиз бу вазифанинг уддасидан чиқа оладилар. Совет кишилари коммунизмнинг нурафшон биносини бамайлихотир ва ишонч билан барпо этишлари мумкин. Ўтган урушда эришилган улуғ ғалабанинг шоншуҳратларига қопланган СССР Қуролли Кучлари коммунистик жамият қурувчиларнинг яратувчилик меҳнатини зийраклик билан қўриқламоқдалар. Бизнинг армиямиз ва флотимиз Совет Иттифоқига, социализм лагерига ҳужум қилишга жазм этган ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бераолади.

Н-қисм. Тўпчилар расчетининг командирлари младший сержант Т. Трашченко (суратда чапда) ва Г. Волнн ўртоқлар ўзаро мусобақалашишган. Улар ўз қўл остидаги жангчиларни аъло хизмат қилувчи расчетга айлантириш учун курашмоқда.
А. Асанов фотоси.

☆ ☆ ☆

ВЕТЕРАН УЧУВЧИ

Учувчиларнинг кекса авлодига мансуб бўлган Абдусамат Тайметов Улуғ Ватан уруши йилларида шонли жанговар йўлни босиб ўтди. У битмас-туганмас қаҳр-ғазаб билан осмонда гитлерчиларни савалар, ғалабага шак-шубҳасиз ишонган ҳолда тинч ижодий меҳнатга қайтишни орзиқиб кутарди. Душман ҳам янчилди. Учта ордени: Жанговар Қизил байроқ, I даражали Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари ва медаллар матонатли учувчининг кўкрагини безади.

...Кунлардан бир кун Марказий фронт штабига шошилинч равишда маълумот етказиб бериш керак эди. Ураб олинган совет жангчилари группасининг тақдири кўп жиҳатдан шу маълумотга боғлиқ бўлиб қолганди. Бу топшириқни бажариш полкдаги энг ҳушёр ва жасур учувчилардан бири Абдусамат Тайметовга юклатилди.

Тайметов бошқарган самолёт тезда осмонга кўтарилиб, булутлар орасида игнадек из қолдириб олдинга интиларди. Бирдан қаршисидан икки фашист қирувчиси чиқиб қолди. Икки ўртада қаттиқ жанг бошланди. Немислар ўз ғалабаларига шубҳа қилмай қўйишганди. Лекин улар совет учувчисининг характерини билмас эдилар. Тайметов моҳирона маневр қилиб, душман самолётларининг ҳужумини қайтарди ва муҳим маълумотни фронт штабига етказиб берди.

Абдусамат Тайметов уруш йиллари жанговар топшириқларни бажариш учун юз мартадан ортиқ учди. Бу учишлардан бири унинг хотирасида абадий сақланиб қолди. Масъулиятли топшириқни муваффақиятли бажариб қайтгач, уни самолётнинг ўзида партияга қабул қилишди.

Совет Армиясидан демобилизация қилингач, ўртоқ Тайметов қадрдон Ўзбекистоннинг тинч осмон йўллари бўйлаб ҳаво кемаларини бошқарди.

А. Тайметов бошчилик қиладиган учувчилар коллективи ўтган йиллар ичида 1.500 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалик майдонини ишлаб берди. Бу билан пахтакорларга ҳосилдорликни оширишда ғоят катта ёрдам кўрсатди.

1962 йилнинг 1-квартали учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунлари бўйича бу бўлинманинг фаолиятига СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС юқори баҳо бердилар.

А. Тайметов бошлиқ илғор авиаколлектив ғалаба кунини беш ойлик ишлаб чиқариш планини бир қатор энг муҳим кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажариш билан кутиб олди.

М. ВИШЕДСКИЙ.

„ФАХРЛАНСАНГИЗ АРЗИЙДИ...“

Почтальон редакцияга олиб келган хатларнинг бири диққатни ўзига тортди. Конверт устига «ЎзССР, Тошкент шаҳри, область газетаси редакциясига» деган сўзлар ёзилган. Хатни олиб ўқидик:

«Ҳурматли редакция! Бизнинг қисмда ҳамшаҳарингиз, оддий солдат Умар Аҳмедович Маъмуров хизмат қилмоқда. У ўзининг софдиллиги ва хизматда активлиги билан бошқаларга намуна бўлаётир. Яқинда бўлим командири Умарнинг хизматидан хурсанд бўлиб, унинг отаонасига рағбатлантириш мактуби йўллади».

Оддий солдатнинг ота-онасига юборилган мактубни ҳарбий қисм командири гвардия майори Соколов ёзган эди. Мана ўша хат:

«ЎзССР, Тошкент область Янгиер районидаги «Коммунизм» колхози Аҳмедов Маъмурга.

Салом Аҳмедов Маъмур ва Иззат опа!

Сизларнинг фарзандингиз Умар Аҳмедович Маъмуровнинг яхши хизмати тўғрисидаги хушхабарни етказишдан хурсандман. Қисмимизда хизмат қилган даврда у севимли Ватанимизга садоқат намуналарини кўрсатди. Ўғлингиз Умар меҳнатсеварлиги ва ўз бурчини сидқидилдан бажариши, қамтарлиги ва интизомлилиги билан ажралиб туради. Хизматдаги тиришқоқлиги учун қўмондонлик уни бир неча марта рағбатлантирди.

СССР Қуролли Кучларининг 44 йиллигини у жанговар ва снёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олди.

Қисмимизнинг қўмондонлиги, партия ва комсомол ташкилотлари Сизнинг фарзандингиз Умар Маъмуровни Ватанимизнинг ишончли ҳимоячиси деб биладн.

Сиз ўз Ўғлингиз билан фахрлансангиз арзийди. Ўғлингиз Сизларнинг юзингизни ерга қаратмаслигига имонимиз комил.

Қадрли Аҳмедов Маъмур ва Иззат опа. Сизларга меҳнатда яхши муваффақиятлар, мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз».

Ёш жангчи Умар Аҳмедович Маъмуров ўз ҳарбий бурчига ва она-Ватан олдидаги вазифасига садоқат билан қараши туфайли ана шундай ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. Армия сафида хизмат қилаётган ва Армияга хизматга чақириладиган ёшлар Умар Маъмуровдан ўрнак олсалар арзийди.

ҲАМОН ОЛДИНГИ МАРРАДА

Биз полковник Рубен Николаевич Алтуняннинг номини тилга олар эканмиз, унинг сермазмун ҳаётидан бир шингилини газетхонлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

...1941 йил. Гитлерчи босқинчиларнинг Ватанимизга бостириб кирган кунлари... Белоруссия, Украинанинг шаҳарлари, қишлоқлари, далалари ёнмоқда. Ердан кўтарилган қора тутун кўкда булут бўлиб сузиб юрибди. Бутун Ватанимиз бесаранжом. Ҳар ким учун ҳаёт имтиҳони бошланган пайт... Худди шундай пайтда Рубен Николаевич ҳам кўплар қатори қўлига қурол ушлаб, душман йўлини тўсишга чиқди.

...Қоронғи тун. Осмонни қоплаган қора булут ва ёмғир томчиларини етаклаб келган совуқ изғирин юришни янада оғирлаштирди. Краснодар ўлкасининг Орбузовка қишлоғига етишганда тўхташга команда берилди. Шамол сал пасайиб, ёмғир кучайди. У солдатларнинг шинелларини бўктириб, баданини жунжитга бошлади. Штабдан буйруқ олиб келган взвод командири Алтунян ўз навбатида солдатларга тушунтиришга киришди.

Тонгга яқин шамол ҳам, ёмғир ҳам пасайди. Шарққа сузиб кетаётган булутлар узилиб, тонг ёруғи кўринди. Душман артиллерияси тилга кирди. Унинг орқасидан самолётлар кўринди. Душман снарядлари окопнинг нари-берисига тушиб, тупроқни кўтариб ташларди. Самолётларнинг кети узилиши билан уфқда фашист автоматчилари билан танклар пайдо бўлди.

Взвод командири ўз солдатларини ҳозир бўлишга чақирди.

Танк кузатиш пунктини эзиб ташламоқчи бўлиб шиддат билан келарди ва пункт ёнида туриб отаётган пулемёт ўқларини писанд қилмасди. Алтунян траншеядан иргиб текисликка чиқди-ю, қўлидаги боғлоғлик гранатасини талқиннг орқа қисмига иргитди. Кучли портлашдан душман танки чўкиб қолди. Граната осколкалари Алтуняннинг ўзининг чап қовурғаси ва қўлини ҳам майиб қилган эди. У, траншеядан сал нарида ҳолсизланиб ётарди.

Майдонда душманнинг яна учта танки мажақланиб ётарди. Бизнинг пиёда аскарларимиз душманнинг чекинаётган аскарларини ёпасига ўққа тутишарди. Тонгда бошланган жанг роса тўрт соат деганда душманнинг маглубияти билан тугади.

Жасур командир Алтунян госпиталда узоқ ётмади. У, яна ўз қадрдондари ёнига келиб, ротага ва кейинчалик батальонга командирлик қилди. У, душманга қарши курашда юрак амрини бажарди. Командирнинг кўкрагини безаб турган Қизил Байроқ, Александр Невский, 1- даражали Ватан уруши ва Қизил Юлдуз орденлари ҳамда қатор медаллар унинг қаҳрамонона жанг қилганидан далолат бериб турибди.

Совет ҳукумати унинг хизматини назарда тутиб, фароғатда яшаш, қилган хизматларининг роҳатини кўриш учун пенсияга узатди.

Бироқ, у пенсияда узоқ юрмади, шаҳар партия комитетига кириб ўзининг ишсиз тура олмаслигини, фақат меҳнатгина унинг овунчоғи бўлиб қолганлигини билдирди. Шаҳар партия комитетидаги ўртоқлар Рубен Николаевичнинг илтимосини қабул қилишди. Унга шаҳар сут-ёғ заводи директорлигига йўлланма берилди.

Рубен Николаевич ишни янги бино қуришдан ва замонавий ускуналар, станоклар келиришдан бошлади. Натижа кўзга ташлана бошлади. Цех кетидан цехлар қурилди, машина кетидан машиналар келабошлади.

Мана энди шу заводни кўриб танимайсиз. Эрта демай, кеч демай завод иши билан ўралашиб юрган Рубен Николаевич бу сафар ҳам юрак амрини бажо келтирди. Партиянинг ҳақиқий солдати эканлигини исбот қилиб, қишинчиликларни енгди. Заводни замонавий заводлардан бирига айлантирди. Агар 1958 йили суткасига аранг 5 тонна сут ишланган бўлса, ҳозир унинг ишлаб чиқариш қуввати 25 тоннага етди. Ишлар қўл кучи билан эмас, механизация ва автомат ёрдамида бажариладиган бўлди.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.
Оҳангарон шаҳри.

Александр Невский орденининг кавалери

Оқ финларга қарши курашда, Маннергейм линиясини тилка-пора қилиб, артиллерия корпусида жанговар йўл босиб ўтган Толип Обидов ҳарбий хизмат муҳлатини ўташ учун ўқчи дивизиясида хизмат қила бошлади.

Гитлерчилар ҳаммаёқни вайрон қилиб, Украина ерларига ваҳшийларча ёпирилиб кираётган кунларнинг бирида Обидов хизмат қилаётган артиллерия дивизияси Украинанинг Белая Церковь шаҳрига етиб келди ва 1941 йилнинг август ойида мана шу ерда душманга қарши жангга киришди. Кучлар тенг бўлмаган бу оғир жангларда дивизия душманга катта талофат етказиб билан, унинг олдинга — Москва томонга қараб интилишини бир неча кунгача тўхтатиб, қўшинларимизнинг янги марраларда мустаҳкамланиб олишига катта мадад бериб турди.

Дивизия жанглар билан Полтавага келганда қисм командири Толип Обидовни разведкачилар группасига бошлиқ қилиб тайинлади. Обидов ўз жангчилари билан бир неча мартаба разведкага бориб, душманнинг сир-асрорларини билиб қайтди.

Гитлерчилар Шаповаловка станциясига яқинлашаётган пайтда моҳир разведкачи Обидов олдинги назорат пунктида туриб, уч кечаю-кундузгача тўпчиларга мўлжални кўрсатиб, тўғри отишларини бошқариб турди. Душман артиллериячиларга қарши бир қанча танк ва пиёда аскарлар ташласа ҳам, шонли артиллериячилар душманни станцияга яқин келтирмай, мардларча олишдилар. Совет жангчиларининг қақшатгич зарбасига учраган душман полкнинг ўнг ва чап томонидан айланиб ўтиб, уни қуршаб олмоқчи бўлиб, ҳаракат қила бошлади. Душманнинг бу макрини сезиб қолган полк командири подполковник Сусоев ва батарея командири старший лейтенант Винокуровлар Обидов келтирган маълумотларга асосланиб, душман ўтмоқчи бўлган ўнг ва чап томонларга узлуксиз снаряд ёғдириб турди.

Мана шу қаттиқ отишма вақтида полк командири билан батареялар ўртасидаги алоқа узилиб қолди. Алоқани тиклаш учун младший сержант Папсуй юборилган бўлса ҳам, у ўт-олов ичида алоқани тиклай олмай, ҳалок бўлди. Алоқани тиклаш Обидовга топширилди. Обидов тез ва чаққон ҳаракат қилиб, ўқ ёмғири ёғилиб турган жанг майдонига кириб кетди ва узилган симни топиб улади. Алоқа тикланди.

Аҳвол борган сари оғирлашарди. Қўмондонлик Обидов, Коблянский, Димченко ва яна икки жангчига душман мудофаасини разведка қилишни топширди. Разведкачилар чакалак, жарлик ва ариқлардан ўтиб, душман мудофаасига яқинлашаётганларида отишма шундай кучайдики, ерқўк ларзага келди. Полк турган томонга кетаётган танклар кўринди. Разведкачилар чуқур ичида ётиб, душманнинг техникаси ва жонли кучларининг ҳаракатларини кўздан кечириб турганларида душман ҳужумга кўтарилиб қолди.

Разведкачилар орқаларига қайтиб, қисм турган ўрмонга яқинлашганларида у ерда душман солдатлари кўринди. Қисм ўрмондан 5—6 километр нарида плацдарм эгаллаганлиги маълум бўлди. Энди разведкачилар у ерга етиб боролмас, ҳамма йўлларда душман турарди.

Беш азамат разведкачи ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ўз қисмларига етиб бориш учун қалин ўрмон ичига кириб кетдилар. Улар тун қоронғулигида ўрмон ичида юра-юра тонг отарда катта тўқай олдидан чиқиб қолдилар. Тўқайнинг нариги томонида катта йўл бўлиб, душман танклари, тўплари, машиналари, пиёда аскарлари ўтиб борарди. Кундуз куни ҳаракат қилишнинг ҳеч иложи бўлмаганидан разведкачилар кечгача тўқай ичида ётдилар. Кеч кириши билан тўқай ичидан чиқиб, бир қишлоққа кириб бордилар. Қишлоқдаги бир мўйсафид уларни овқатлантириб, совет солдатлари турган томонга йўл кўрсатди. Беш азамат разведкачи, яна ўрмон, тўқай ва ботқоқлар ичидан юриб, тонг отарда ўз қисмларига етиб олдилар.

Қисм жанглар билан орқага чекиниб, Шимолий Донецнинг нариги қирғоғида мудофаага ўтди. Харьков яқинидаги Васильевка қишлоғини душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда кўрсатган хизматлари учун сержант Толип Обидов «Жасурлик учун» медали билан мукофотланди. Обидов коммунистлар партияси сафига ўтди.

Қизғин жанглар давом этаётган кунларнинг бирида 1942 йилнинг март ойида қисм командири подполковник Сусоев жангларда маҳорат кўрсатган Толип Обидовни артиллериячилар мактабига ўқишга юборди.

Обидов артиллериячилар мактабини муваффақият билан тамомлагандан сўнг унга младший лейтенант унвони берилиб, танкка қарши курашувчи взвод командири этиб тайинланди.

1942 йилнинг декабрь ойида младший лейтенант Обидов жанговор дўстлари Вавилов ва Потаповлар билан Волга бўйига етиб келдилар. Обидов генерал-майор Тимчик командирлик қилган 87-гвардиячи ўқчи дивизиянинг майор Бондаренко командирлик қилган танкка қарши курашувчи 96-алоҳида дивизионига взвод командири қилиб тайинланди.

Толип ОБИДОВ.

1943 йилнинг июнь ойида қўмондонлик жангларда маҳорат кўрсатган коммунист Толип Обидовга лейтенант унвони бериб, уни батарея командири қилиб тайинлади.

Обидов командирлик қилган батарея душманнинг Совур Могиладаги қалъасини тор-мор этгандан сўнг унинг олдига пиёдаларнинг муваффақиятли ҳаракатини қўллаб, Таганрог ва Мариаполга чиқиб, Закавказьедаги душман қўшинларини иккига бўлиб ташлаш вазифаси қўйилди.

Обидов қўшни батарея командири майор Дмитриев билан мустаҳкам алоқада ҳаракат қилиб, душманни изма-из қувиб бораётганда, душман Успенский станциясида қаттиқ қаршилик кўрсатди. Душман совет жангчилари эгаллаган маррага 27 танк, артиллерия ҳимояси остида бир полкни жангга ташлади. Икки ўртадаги жанг шу даражада даҳшатли бўлдики, Обидов командирлик қилган батареядаги 6 тўпдан 2 таси ишдан чиқди, расчётдагиларнинг ярмиси ҳалок бўлди.

Душман танклари ва пиёда аскарлари ўлган-тирилганига қарамай ҳамон илгари келарди. Энг олдинги тўпдан ўқ узиб турган Обидов биринчи ва иккинчи танкни, ёнидаги тўпчилар учинчи, тўртинчи ва бешинчи танкларни ишдан чиқардилар. Душман катта талофат кўриб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Жангда кўрсатган қаҳрамонона ишлари учун Обидов «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

1943 йилнинг август ойида Ростов атрофида бўлган жангларнинг бирида Обидов томоғидан ярадор бўлди. У, дала госпиталида бир неча кун ётиб даволаниб чиққандан сўнг яна ўз жанговар ишини давом этдирди.

Гитлерчи газандаларни жонажон Ватанимиз тупроғидан тамомила ҳайдаб чиқариш ва ундан барча қилган ёвузликлари учун шафқатсиз қасос олиш учун ҳужум жанглари мисли кўрилмаган даражада қизиб бораётган кунларнинг бирида қўмондонлик Обидов хизмат қилаётган қисмга душманнинг Қримдаги группировкасини тор-мор қилиб, Қримни озод қилиш вазифасини топширди.

Энди қисм Севастополни ишғол қилиш учун унга борадиган йўлдаги душманнинг кучли мудофаа марраси Сапун Горани ёриб ўтиши керак эди. Сапун Гора учун олиб борилган жанг ўн уч кун давом этди. Мана шу ўн уч кунлик жангдан сўнг Обидов қисми Сапун Горадаги душман истеҳкоминн батамом тор-мор қилиб ташлади, душман бу ерда батамом янчиб ташланди. Сапун Горадаги душман истеҳкомини бутунлай тор-мор этишда кўрсатган хизматлари учун лейтенант Обидов «II даражали Ватан уруши» ордени билан мукофотланди.

Сапун Гора учун бўлган жангдан сўнг полк командири шахсан Обидов командирлик қилган батареяга Шимолий Бухтадан ўтиб, Севастополга борадиган йўлдаги ГРЭСни ишғол қилишни топширди. Обидов жанговар буйруқни шараф билан бажариш учун душман устига ўз тўпларидан тинмай снаряд ёғдириб, гитлерчиларнинг ГРЭС тепалиги устидаги икки истеҳкомини портлатиб ташлаб, тепаликни ишғол қилди. Мана шундан сўнг Севастополга йўл очилди.

1944 йилнинг 9 май куни қўшинларимиз душманнинг қутириб қилган барча ҳаракатларини енгиб, Севастополни ишғол қилдилар.

Қримни фашист босқинчиларидан тамомила озод қилиш учун бўлган жангларда ўз батареяси ўти билан душманга катта талофот етказган лейтенант Обидов Александр Невский ордени билан мукофотланди.

Агар биз Тошкент область, Калинин район, Юнусобод қишлоғидаги оддий колхозчи, немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашган, довруғи бутун фронтга достон бўлган моҳир командир, коммунист Толип Обидовнинг Қримдан кейин Белоруссия, Литва ва Шарқий Пруссия ерларида кўрсатган қаҳрамонликларини ёзаберсак, каттагина жанг нома ҳосил бўлади.

Ватан уруши қаҳрамони жанговар ўртоқ Толип Обидов ҳозир Юнусободдаги Турғун Мирзаев раислик қилаётган «Ўзбекистон» колхозида жанговар традицияни давом эттириб, фидокорона меҳнат қилмоқда.

Адҳам РАҲМАТ.

ЯНА ДУРАНГ

ФУТБОЛ

Тўққиз марта мамлакат чемпиони бўлган Москва динамочилари билан «Пахтакор»нинг ўйини икки йилдан буён бир марта ҳам ажрим бўлмай келарди. Бу командаларнинг 7 майда Москвада бўлган бешинчи учрашуви яна дуранг бўлди, тошкентликлар майдон эгаларидан яна бир очко тортиб олиб, уларни доғда қолдирдилар.

Ўйин натижаси 1:1. Иккала гол ҳам биринчи таймда киритилди. Рақиблар дарвозасига тўпни 11-минутда ярим ҳимоячи В. Қаҳҳоров урди. 34-минутда майдон ўртасидан В. Кесарев тепган тўпни Ю. Пшеничников ушлади-ю, қўлидан чиқариб юборди. Шу вақт штраф майдонида пайдо бўлган В. Короленков уни дарвозага киритди. Танаффусдан сўнг ҳар иккала команданинг ҳисобни ўз фойдасига ўзгартириш учун қилган ҳаракатлари натижа бермади.

Ҳамшаҳарларимиз Москвадан уч очко олиб қайтиб, ишқивозларини хурсанд қилдилар.

Колхоз футболчиларининг ютуғи

«Б» классида қатнашаётган «Пахтакор» («Политотдел» колхози) футболчилари 6 майда Кировокан шаҳрининг «Лори» командасини қабул қилдилар. Учрашув зўр маҳорат билан ўйнаган колхоз спортчилари фойдасига 5:3 ҳисобида тугади. Пахтакорчилар ўтган беш ўйиндан тўртгасида ғалабага эришиб, саккиз очко тўплашга муваффақ бўлдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Р. — 04989. Нашр. — Г. — 1588.